

**АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК ТИЛИ  
ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Fil.19.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ  
КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ПАРДАЕВ АЗАМАТ БАХРОНОВИЧ**

**ЎЗБЕК ТИЛИ ЁРДАМЧИ СЎЗ ТУРКУМЛАРИНИНГ ЛИСОНИЙ  
ТИЗИМДАГИ ЎРНИ ВА ЛИНГВОПРАГМАТИКАСИ**

**10.00.01 – Ўзбек тили**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2017 йил**

**Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации**

**Content of the abstract of doctoral (DSc) dissertation**

**Пардаев Азамат Бахронович**

Ўзбек тили ёрдамчи сўз туркумларининг лисоний тизимдаги  
ўрни ва лингвопрагматикаси..... 3

**Пардаев Азамат Бахронович**

Место служебных частей речи узбекского языка в лингвистической системе и их  
лингвопрагматика..... 33

**Pardayev Azamat Bakhronovich**

The role and linguopragmatics of functional parts of speech of the Uzbek language in  
the linguistic system..... 63

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 71

**АЛИШЕР НАВОЙИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК ТИЛИ  
ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Fil.19.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ  
КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ПАРДАЕВ АЗАМАТ БАХРОНОВИЧ**

**ЎЗБЕК ТИЛИ ЁРДАМЧИ СЎЗ ТУРКУМЛАРИНИНГ ЛИСОНИЙ  
ТИЗИМДАГИ ЎРНИ ВА ЛИНГВОПРАГМАТИКАСИ**

**10.00.01 – Ўзбек тили**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2017 йил**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.1.DSc/Fil7 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Самарқанд давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.navoiy-uni.uz](http://www.navoiy-uni.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий маслаҳатчи:**

**Каримов Суюн Амирович**  
филология фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Собиров Абдулхай Шукурович**  
филология фанлари доктори, профессор

**Маматов Абдимурод Эшонкулович**  
филология фанлари доктори, профессор

**Набиева Дилора Абдухамидовна**  
филология фанлари доктори

**Етакчи ташкилот:**

**Фарғона давлат университети**

Диссертация ҳимояси Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Fil.19.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2017 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4. Тел.: (99871) 246-63-58; fax: (99871) 246-53-21; e-mail: [tdutau\\_nazorat@edu.uz](mailto:tdutau_nazorat@edu.uz).)

Диссертация билан Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_\_ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100174, Тошкент, Университет кўчаси, 4. Тел.: (99871) 246-63-58

Диссертация автореферати 2017 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ да тарқатилди.  
(2017 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Ш.С.Сирожиддинов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, филол.ф.д., профессор

**Ё.Р.Одилов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, филол.ф.д.

**Н.М.Маҳмудов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, филол.ф.д., профессор

## КИРИШ (докторлик диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон тилшунослигида бугунги кунда илмий тадқиқотлар қиёсий-тарихий, систем-структур ва антропоцентрик парадигма асосида олиб борилаётганлиги ўзбек тилшунослиги муаммоларини ҳал қилишда ҳам замонавий таҳлил методларидан самарали фойдаланишни тақозо этмоқда. Тилимиздаги ёрдамчи сўзларнинг формал, субстанциал ва прагматик хусусиятларини янги илмий-назарий қарашлар ва методларга таянган ҳолда тадқиқ этиш ана шундай долзарб муаммолардан биридир. Дунё тилшунослигида мустақил сўзларнинг ёрдамчи сўзлар вазифасига функционал ихтисослашиш қонуниятларини очиб бериш, уларнинг прагматик, лингвокультуро-рологик, этнолингвистик ва психоллингвистик хусусиятларини ёритиш соҳа тараққиётини таъминлайдиган муҳим омиллардан ҳисобланади.

Мустақиллик йилларида миллий маънавиятимиз кўзгуси ҳисобланган она тилимизни янада раванқ топтириш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Тилимизни асраб-авайлаш, уни бойитиш, нуфузини ошириш борасидаги ишлар мунтазамлик касб этди. Истиқлол йилларида тилимизнинг барча сатҳлари ва уларга оид бирликларни ҳар тарафлама ўрганиш ҳамда тавсифлаш бўйича кўплаб тадқиқотлар амалга оширилди. Айниқса, тилимизнинг грамматик қурилишини, ўзбек тилининг ўзига хос табиатини аниқлашда, хусусан, ёрдамчи сўз туркумларини тавсифлашда муайян ютуқларга эришилди. Шу билан бир қаторда, ёрдамчи сўзларнинг субстанциал-прагматик хусусиятларини аниқлаш асосида уларнинг лисоний табиати қонуниятларини аниқлаш, бу туркумларга хос сўзларнинг туркумлик белгиларини тегишли даражада тавсифлаш зарур. Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича 2017 – 2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясида «...таълим тизимини такомиллаштириш, сифатли таълим хизматлари имкониятларини ошириш»<sup>1</sup> алоҳида таъкидланган. Бу борада ўзбек тилидаги ёрдамчи сўзларнинг лисоний мавқеи ва нутқий воқеланиш хусусиятларини янги методологик тамойил ва замонавий мезонлар асосида очиб бериш муҳим аҳамият касб этади.

Жаҳон тилшунослигида ёрдамчи сўзлар лисоний ва нутқий ўзгаришларга жуда сезгир ҳамда ҳозиржавоб қатлам сифатида кўплаб тилшуносларнинг эътиборини тортган. Жумладан, ёрдамчи сўзларнинг гап тузилишидаги ўрни, нутқий воқеланишининг ўзига хос хусусиятлари, муайян матндаги вазифалари, грамматик хусусиятлари кабилар тадқиқ этилган. Ўзбек тилшунослигида ҳам ёрдамчи сўз туркумларига оид мавжуд тавсиф ва талқинларни замонавий методологик тамойиллардан фойдаланиб умумлаштириш, бу туркумларга хос сўзларни илмий тавсифлашнинг янги усуллари асосида баҳолаш, уларнинг лингвистик табиати, лисоний мақоми юзасидан аниқ назарий хулосалар чиқариш мавзунинг долзарблигини

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

белгилайди. Бинобарин, ёрдамчи сўзларни жаҳон тилшунослигининг сўнги ютуқлари ва тадқиқ қилиш методларига таянган ҳолда, тилимизнинг ички қонуниятлари асосида тавсифлаш ҳамда уларни функционал-семантик, субстанциал-прагматик жиҳатдан тадқиқ этиш, ўз навбатида, бундан дунё илмий жамоатчилигини хабардор этиш заруратини юзага келтиради.

Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 21 декабрда янги таҳрирда қабул қилинган «Давлат тили ҳақида»ги Қонуни, мазкур ҳужжатда белгиланган вазифаларни амалга ошириш бўйича Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 10 сентябрдаги 311-сон қарори талаблари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 13 майдаги ПФ-4797-сон «Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон «Фанлар академияси фаолияти, илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I.«Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни ривожлантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи<sup>2</sup>.**

Ёрдамчи сўзларнинг грамматик, синтагматик ва прагматик хусусиятларини ўрганишга йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, University of Pennsylvania, University of California, Northwestern University, Boston University (АҚШ); Australian National University (Австралия); University of Nice Sophia Antipolis, University of Bordeaux (Франция); Oxford University Language Centre (Англия); Peking University (ХХР); Sophia University, University of Tokyo (Япония); Baki Dövlət universiteti (Озарбайжон); Москва давлат университети, Бошқирдистон давлат университети (РФ); Қозоқ миллий университети (Қозоғистон); шунингдек, Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети, ЎзФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти (Ўзбекистон)да олиб борилмоқда.

Жаҳон тилшунослигида ёрдамчи сўзларнинг инсон руҳий ва когнитив оламига таъсир кўрсатувчи восита эканлиги ҳамда прагмалингвистик,

---

<sup>2</sup> Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи [www.utexas.edu](http://www.utexas.edu), [www.berkeley.edu](http://www.berkeley.edu), [www.northwestern.edu](http://www.northwestern.edu), [www.bu.edu](http://www.bu.edu), [adwww.ecu.edu.au](http://adwww.ecu.edu.au), [unice.fr/en](http://unice.fr/en), [www.u-bordeaux.com](http://www.u-bordeaux.com), [www.lang.ox.ac.uk](http://www.lang.ox.ac.uk), [english.pku.edu.cn](http://english.pku.edu.cn), [www.sophia.ac.jp/eng](http://www.sophia.ac.jp/eng), [www.u-tokyo.ac.jp/en](http://www.u-tokyo.ac.jp/en), [bsu.edu.az](http://bsu.edu.az), [www.msu.ru](http://www.msu.ru), [www.bashedu.ru](http://www.bashedu.ru), [www.kaznu.kz](http://www.kaznu.kz), [www.navoiy-uni.uz](http://www.navoiy-uni.uz) ва бошқа манбалар асосида амалга оширилди.

лингвокультурологик, психоллингвистик бирлик сифатидаги вазифасини очиб беришга йўналтирилган тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: ёрдамчи сўзларни нутқий мулоқот жараёнида инсон руҳиятига таъсир этувчи асосий психокоммуникатив воситалардан эканлиги асосланган (University of Pennsylvania; Boston University, АҚШ); ёрдамчи сўз туркумларининг таркиби, тузилиш турлари, синтактик структурадаги вазифаси, нутқий частотаси аниқланган (Northwestern University, АҚШ); ёрдамчи сўзларнинг келиб чиқиш тарихи, этимологияси, ривожланиши, мустақил сўзларнинг ёрдамчилашиши асосланган (University of California, АҚШ); мулоқот жараёнида ёрдамчи сўзларни танлаш маҳорати инсоннинг интеллектуал салоҳиятини белгиловчи омиллардан бири эканлиги исботланган (Australian National University, Австралия; University of Nice Sophia Antipolis; University of Bordeaux, Франция); ёрдамчи сўзларнинг грамматикализация даражаси аниқланган (Oxford University Language Centre, Англия); ёрдамчи сўзларнинг лингвокультурологик хусусиятлари асосланган (Beijing University, ХХР); ёрдамчи сўзларнинг маъно муштараклиги, ўхшаш ва фарқли жиҳати, нутқни безаш хусусияти, матндаги вазифаси очиб берилган (Sophia University; University of Tokyo, Япония); ёрдамчи сўзлар лексика ва грамматика оралиғидаги восита сифатида ўрганилган (Москва давлат университети, Бошқирдистон давлат университети, РФ); ёрдамчи сўзларнинг сўз туркумлари тизимидаги ўрни аниқланган (Baki Dovlet Universiteti, Озарбайжон); ёрдамчи сўзларнинг градуал ва парадигматик муносабатлари, умумий лисоний ва хусусий нутқий маънолари очиб берилган (Қозоқ миллий университети, Қозоғистон); ёрдамчи сўзларнинг функционал-стилистик ва субстанциал-прагматик хусусиятлари асосланган (Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети, ЎзФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти).

Дунё тилшунослигида ёрдамчи сўзларнинг лисоний хусусиятлари бўйича қатор, жумладан қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: ёрдамчи сўзларнинг грамматикалашуви, туркумлараро кўчиши ва микдорини аниқлаш; ёрдамчи сўзларнинг лисоний тизимдаги функционал-семантик тараққиётини асослаш; стилистик, лингвопрагматик, психоллингвистик ва лингвокультурологик хусусиятларини аниқлаш; ёрдамчи сўзларнинг нутқий мулоқот жараёнидаги аҳамиятини очиб бериш.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Жаҳонда ёрдамчи сўзларнинг лексик-грамматик ва функционал-семантик хусусиятларини аниқлаш бўйича қатор ишлар амалга оширилган. Жумладан, Г.Крейдлиннинг рус, А.Гереевнинг қўмиқ ва инглиз, Ф.Оздоевнинг нах, Т.Николаевнинг славян, З.Мусаевнинг даргин, Х.Султонбоевнинг бошқирд, Н.Манафовнинг озарбайжон, Ф.Кенжебаевнинг қозоқ ва Ф.Зейналовнинг бир қанча туркий тилларидаги ёрдамчи сўзларга оид тадқиқотлари алоҳида эътирофга лойиқ<sup>3</sup>.

<sup>3</sup> Крейдлин Г. Служебные слова в русском языке: (семантические и синтаксические аспекты их изучения): Дис. ... канд. филол. наук. – М.: МГУ, 1979. – 301 с.; Гереева А. Служебные слова в кумыкском и английском языках: послелоги и союзы: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Махачкала: ДагГПУ, 2004. –

Ўзбек тилшунослигида ҳам ёрдамчи сўзлар бўйича тадқиқотлар олиб борилган ва уларнинг натижалари тилимиз қурилиши бўйича умумлаштирувчи тавсифларда, илмий грамматика ва луғатларда, таълим тизимининг турли бўғинларига мўлжаллаб тузилган ўқув адабиётларида ўз аксини топган. Бу тавсифлар, асосан, XX асрда кенг оммалашган анъанавий тилшунослик методлари асосида амалга оширилган. Хусусан, А.Кононов, Ш.Шоабдурахмонов, Ҳ.Бердиёров, Ж.Мухторов, Р.Расулов, Т.Рустамов, О.Бозоров, Д.Ўринбоева<sup>4</sup> каби тилшуносларнинг ишларида мазкур масала атрофлича тадқиқ этилган. Мустақиллик йилларида ёрдамчи сўзларнинг функционал-семантик ва прагматик таҳлили бўйича бир қатор диссертацион тадқиқотлар амалга оширилган. Жумладан, У.Раҳимов, Т.Турдибоев, З.Исақов, З.Бурханов каби тилшуносларнинг тадқиқотларида ёрдамчи сўзларнинг муайян бир жиҳати ёритилган<sup>5</sup>.

Аммо тилшунослигимизда ёрдамчи сўзлар ҳақидаги қарашларнинг назарий жиҳатдан ривожлантиришга муҳтожлиги, бу бирликларнинг нафақат семантик ва грамматик, балки функционал-стилистик ҳамда субстанциал-прагматик имкониятларининг кенгайиб бораётганлиги, грамматик восита мақоми доирасидан ташқарига чиқиб, оддий ахборот ёки маълумот беришдан таъсирчанликка, мавҳумликдан аниқликка қараб боришдаги муҳим услубий восита ҳисобланаётганлиги, нутқий мулоқот жараёнида (дискурсда)ги фаоллиги, функционал чегараланиши, прагматик ва стилистик хосланиши билан боғлиқ бир қатор масалаларнинг умумлаштирилган ҳолда махсус тадқиқ этилмаганлиги ушбу мавзуни монографик планда ўрганишни тақозо этади.

---

22 с.; Оздоева Ф. Служебные части речи в нахских языках (синхронно–диахронный анализ): Дис. ... д-ра. филол. наук. – Грозный: ГДУ, 1982. –376 с.; Николаева Т.М. Функции частиц в высказывании (на материале славянских языков). – М.: Наука, 1985. –168 с.; Мусаева З. Служебные части речи в даргинском и английском языках: Автореф. дис. ... канд. филол. наук: – Махачкала: ДагГПУ, 2010. – 22 с.; Султанбаева Х. Служебные слова в системе частей речи башкирского языка: Автореф. дис. ... д-ра. филол. наук. – Уфа: БашГУ, 2008. – 54 с.; Зейналов Ф. Служебные части речи в современных тюркских языках: Автореф. дис. ... д-ра. филол. наук – Баку: БГУ, 1966. – 82 с.; Манафов Н. Служебные части речи в диалектах и говорах азербайджанского языка: Автореф. дис. ... канд. филол. наук: – Баку: БГУ, 1995. –28 с.; Кенжебаева Ф. Послелого и частицы в современном казахском языке: Автореф. дис. ...канд. филол. наук. – Алма-Ата: ИЯ, 1964. – 28 с.; Волгина О. Служебные слова в нижегородских говорах: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Арзамас, ВятГГУ, 2008. – 20 с.

<sup>4</sup> Бердиёров Ҳ. Ҳозирги замон ўзбек адабий тилида сўнгқўмакчилар: Филол.фан.номз...дисс. – Самарқанд, 1949. – 134 б.; Кононов А. Послелого в современном узбекском литературном языке. –Ташкент, 1951. – 48 с.; Шоабдурахмонов Ш. Ўзбек тилида ёрдамчи сўзлар. -Тошкент: ЎзФА нашриёти, 1953 - 24 б.; Мухтаров Дж. Союзы в современном узбекском языке: Автореф. дисс... канд. филол. наук. – Самарқанд, 1953. -14 с.; Матғозиев А. Ўзбек тилида эргаштирувчи боғловчиларнинг тараққиёт тарихи: Филол. фан. номз... дисс. - Тошкент, 1966. -259 б.; Рустамов Т. Ҳозирги ўзбек адабий тилида кўмакчилар. – Тошкент: Фан, 1965. –131 б.; Расулов Р. Ўзбек тилида ёрдамчи сўзларнинг семантик-грамматик хусусиятлари. – Тошкент: Фан, 1983. – 112 б.; Базаров О. Частицы в узбекском языке: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – М.: ИЯ, 1983. – 22 с.; Рустамов Т. Соф кўмакчилар.- Тошкент: Фан, 1991. –124 б.; Ўринбоева Д. Ўзбек сўзлашув нуткида ўзгармайдиган сўзлар (ёрдамчи сўзлар): Филол.фан.номз. ...дисс. – Самарқанд, 1994. -150 б.

<sup>5</sup> Турдибоев Т. Ўзбек тилида ёрдамчи сўзлар конверсияси: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент: ТАИ, 1996. –21 б.; Раҳимов У. Ўзбек тилида юкламалар пресуппозицияси: Филол. фан.номз...дисс.автореф. – Самарқанд, 1994; – 23 б.; Исақов З. Ўзбек тилида сўз туркумларининг ўзаро муносабати ва унда юкламаларнинг ўрни: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф.– Фарғона: ФарДУ, 2005. –22 б.; Бурханов З. Ўзбек тилида кўмакчилар ва уларга вазифадош келишлар прагматикаси (пресуппозицион аспект): Филол.фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент: ТАИ, 2008. –27 б.



**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти СамДУ «Ўзбек тили бирликларининг функционал-прагматик ва семантик-услубий таҳлили (синхрон ва диахрон аспект)» (2011-2016 йй.) мавзусидаги илмий тадқиқот режасининг таркибий қисми сифатида ҳамда ЎзФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институтининг ФА-Ф8-034 «Ўзбек тили лексикаси ва терминологиясининг ривожланиш тамойиллари» (2007-2011 йй.), ФА-Ф1-ГО41 «Ўзбек тили лексикаси ва терминологиясининг мустақиллик даври тараққиётини тадқиқ этиш» (2012-2016 йй.) фундаментал лойиҳалари доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** ўзбек тили ёрдамчи сўзларининг лисоний тизимдаги мақомини аниқлаштириш, уларнинг бойиш манбалари ва усуллари, тарихий-тадрижий тараққиёти ҳамда функционал-стилистик ва субстанциал-прагматик хусусиятларини очиб беришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

ёрдамчи сўзларнинг тил тизимида пайдо бўлиш сабабларини аниқлаш, мустақил сўзларнинг ёрдамчиликка ихтисослашиш қонунияти ва механизмини очиб бериш;

ёрдамчи сўзлар талқинига формал, субстанциал ва дискурсив таҳлил усулларини яхлитликда татбиқ қилиш;

ёрдамчи сўзлар тараққиётида даражаланиш, грамматикализация ва транспозиция ходисаларининг аҳамиятини белгилаш;

тилимиздаги ёрдамчи сўзларнинг тўлиқ статистикасини акс эттирувчи «Ўзбек тили ёрдамчи сўз туркумларининг таркиби ва субстанциал-прагматик тавсифи» жадвалини тузиш;

ёрдамчи сўзлардаги серкирралик, кўпвазифалилик, уларнинг нутқда воқеланиш комбинаторикасини аниқлаш;

ёрдамчи сўзлар таҳлилида синтактик, семантик ва прагматик жиҳатларни фарқлаш, айна пайтда, ўзаро алоқасини очиб бериш;

ёрдамчи сўзлар маънодошлигини юзага келтирадиган услубий мезонларни асослаш, субстанциал-прагматик хусусиятларини жадвалларда акс эттириш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида ўзбек тилидаги ёрдамчи сўзлар (кўмакчи, боғловчи ва юкламалар) танланган.

**Тадқиқотнинг предмети**ни ўзбек тилидаги ёрдамчи сўзларнинг формал, субстанциал ва прагматик-стилистик хусусиятлари ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот мавзусини ёритишда қиёсий-тарихий, синхрон формал тавсифлаш, қиёсий-чоғиштирма, дистрибутив, субстанциал, статистик, дискурсив таҳлил усулларидан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

формал, субстанциал ва дискурсив таҳлил усуллари ёрдамида ёрдамчи сўзларнинг субстанциал-прагматик хусусиятлари аниқланган;

ўзбек тилидаги ёрдамчи сўзларнинг шаклланиш босқичлари ва вазифавий-семантик хусусиятлари очиб берилган;

ёрдамчи сўзларнинг тил соҳиблари томонидан сўз сифатида қабул

қилиниб, грамматик вазифа бажаришга хосланганлиги асосланган;

мустақил лексемаларнинг ёрдамчи сўзларга ўтишида грамматикализация ҳодисасининг алоҳида роли мавжудлиги аниқланган, улардаги умумий ва хусусий грамматик маъно муносабатлари ойдинлаштирилиб, бу бирликларнинг «сўз» - «морфема» зидланишида оралик учинчи мавқеда эканлиги далилланган;

ёрдамчи сўз туркумларининг ўзаро (кўмакчининг боғловчига, боғловчининг юкламага, юкламанинг боғловчига) кўчиши асосланган ва бу бирликларда пресуппозитив ишора мавжудлиги аниқланган;

формал, субстанциал ва дискурсив таҳлил усуллари биргаликда қўллаш натижасида ёрдамчи сўзлар шакл-вазифа жиҳатидан тизимий таснифланган ва ўнга яқин параметр бўйича очиқ берилган;

ёрдамчи сўзларнинг матнда муаллифнинг бадиий ниятини юзага чиқариш билан боғлиқ турли хил прагматик мазмунлар ифода этиши далилланган ва юкламаларда янги – матнни «жонлантириш», унга дискурс руҳини бериш каби вазифа шаклланаётганлиги асосланган;

ўзбек адабий тили алоқа имкониятларининг кенгайиб бораётганлиги натижасида барча сўз туркумлари қаторида ёрдамчи сўзларнинг таркибига ҳам янги-янги бирликлар тортилаётганлиги ва уларнинг грамматик ҳамда прагматик имкониятлари ҳам ортиб бораётганлиги аниқ мисоллар ёрдамида очиқ берилган, ёрдамчи сўзли ҳосилалар дифференциацияси таҳлил этилиб, уларда маънодошлик асосида прагматик ихтисослашув жараёни кузатилаётгани далилланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижаси** қуйидагилардан иборат:

ҳозирги ўзбек тилида қўлланилаётган 600дан ортиқ ёрдамчи сўзларнинг ҳар бирининг тарихий-этимологик мансублиги, соф ёки вазифадошлиги, функционал ёрдамчиларда қайси сўз туркумидан ривожланганлиги, грамматикализациялашув даражаси, туркумий, туркум ичидаги семантик-функционал тур ва гуруҳга мансублиги, шаклий кўринишлари, бир ёки кўп турли вазифалилиги, ёндош туркумларга алоқадорлиги, қўлланиш кўлами, услублараро хосланиши, ингерент пресуппозитив ишорага эга-эга эмаслиги каби ўндан ортиқ онтологик хусусиятларини акс эттирувчи «*Ўзбек тили ёрдамчи сўз туркумларининг таркиби ва субстанциал-прагматик тавсифи*» жадвалида кўрсатилган натижалар ўзбек тилшунослиги учун муҳим илмий-назарий маълумотлар бериши; тил тарихи, стилистика, матн тилшунослиги, тилшунослик назарияси каби фанлардан яратиладиган дарслик ва қўлланмаларнинг мукаммаллашувига хизмат қилиши асосланган;

тадқиқот натижасида мулоқот жараёнида ёрдамчи сўзларнинг стилистик фаоллиги ранг-баранг маънодошликларни ҳосил қилса, прагматик (дискурсив) жиҳати нутқ вазияти ва шароити, сўзловчи ва тингловчининг руҳий ҳолати, очиқ ва яширин мақсади, муносабати ҳақида кўшимча (хосланганлик, тагмаънолилик, ижобийлик, салбийлик, гумон, ишонч, таъкид, табиийлик, ғайриоддийлик в.х.) маълумотлар бериши аниқланган;

вазифадош ёрдамчиларнинг қайси сўз туркумидан ривожланганлиги ва грамматикализациянинг *ёрдамчисимонлик, ёрдамчилашаётганлик, ёрдамчи-*

*лашганлик, тублашганлик* каби босқичларидан қай бирида турганлиги аниқланган;

олтой тилларидаги «мустақил сўз → ёрдамчи сўз → қўшимча» конфигурацион учлигининг тил эволюцияси ва морфемаларнинг шаклланиш жараёнидаги ўрни ёритиб берилган;

ёрдамчи сўзларнинг асосий (бирламчи) ва ёндош (иккиламчи) вазифаси аниқланиб, қўлланиш доираси ҳамда прагматик хусусиятлари бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган;

тадқиқот натижасини акс эттирувчи жадвалларда ёрдамчи сўзлар (қўмакчи, боғловчи, юкламалар)нинг нисбатан мукамал таркиби акс эттирилган; уларнинг тил ва нутқдаги ўрни, аҳамияти, формал, субстанциал ва прагматик хусусиятларини изохлаш орқали она тили таълимида ҳамда ўқувчи-талабаларнинг оғзаки сўзлашув нутқида муҳим амалий аҳамият касб этиши очиб берилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** қўлланилган ёндашув, усуллар ва назарий маълумотларни беришда аниқ илмий манбаларга таянилгани, келтирилган таҳлиллар қиёсий-типологик, тарихий-қиёсий, психологик ва комплекс таҳлил методлари воситасида асосланганлиги, назарий фикр ва хулосаларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги, жаҳон тилшунослигининг энг янги илмий концепциялари асосида ўрганилганлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, ишнинг амалий якуни бўлган «*Ўзбек тили ёрдамчи сўз туркумларининг таркиби ва субстанциал-прагматик тавсифи*» жадвали ҳозирча ўзбек тилшунослигида бу бирликларнинг нисбатан ягона тўлиқ ва муфассал тавсифи бўлиб, келгусида тилимиздаги бошқа луғавий микротизимлар бирликларини шундай тавсифлаш учун намуна бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, тўпланган материаллар тил тарихи, ўзбек тилининг назарий грамматикаси, ўзбек тили стилистикаси, нутқ маданияти, матн тилшунослиги каби фанлардан тадқиқотлар олиб боришда ҳамда келгусида ўзбек тилшунослигида ёрдамчи сўзларнинг маъновий гуруҳлари, уларнинг парадигматик ва синтагматик муносабатлари, семантик структураси ва прагматик хусусиятларига оид монографиялар, ўқув қўлланмаларининг мукамаллашишига хизмат қилади. Тадқиқот иловалари она тили таълимида ўқувчиларнинг ёрдамчи сўзлар бўйича тўлиқ маълумот олишларини осонлаштиради ва уларнинг бу борадаги қарашларини бойитади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Ёрдамчи сўзлар (қўмакчи, боғловчи, юкламалар)нинг тил ва нутқдаги ўрни, аҳамияти, формал, субстанциал ва прагматик хусусиятларини очиб бериш жараёнида маънавий-маърифий тизимни такомиллаштириш бўйича белгиланган тадбирлар асосида:

тилимиздаги 100 дан ортиқ мустақил сўзлар (*тақдирда, қўлтигида,*

*гирдида, домида, замирида, заминида, замонда, касрига, кезларда, огушида, паллада, қирғоғида, қўйнида, ҳолатда, ниятида, оқибатда, маҳалда, теграсида* каби) семантик структурасида ёрдамчилик вазифаси шаклланганлигини кўрсатишга, 40 дан ортиқ ёрдамчи сўзларнинг (*аммо, ва, лекин, бироқ, -у, -ю, -да, -ми, -чи, -ку, агар, гарчи, башарти, гўё, гўёки, гарчанд, балки, мабодо, шекилли, на..., на...* каби) бошқа ёрдамчи сўз туркумларига доимий кўчиб туришини изоҳлашга оид хулосалардан ФА-Ф8-034 рақамли «Ўзбек тили лексикаси ва терминологиясининг ривожланиш тамойиллари» фундаментал лойиҳа доирасида кўп жилдли «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»да фойдаланилган (Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш кўмитасининг 2016 йил 4 июлдаги ФТК-03-13/439-сон маълумотномаси). Илмий натижалар асосида кўплаб луғавий бирликларнинг изоҳлари мукаммаллаштирилган;

айрим атамаларнинг (*ёрдамчи сўз, кўмакчи, боғловчи, юклама* каби) тавсифини такомиллаштиришда, ёрдамчи сўзларнинг семантик ва грамматик, функционал-стилистик имкониятларини аниқлашга оид назарий хулосалар ФА-Ф1-ГО41 «Ўзбек тили лексикаси ва терминологиясининг мустақиллик даври тараққиётини тадқиқ этиш» (2012-2016) номли фундаментал лойиҳага татбиқ этилган (Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш кўмитасининг 2016 йил 17 октябрдаги ФТК-0313/693-сонли маълумотномаси). Илмий натижалар асосида ўзбек тили терминлар тизими бойиган, ёрдамчи бирликлар маънолари очиқ берилган.

*кўпвазифалилик, серқирралик*нинг моҳиятини тушунтиришда ёрдамчи сўзлардаги умумийлик-хусусийлик муносабати, улардаги хусусий маънонинг сон-саноксиз бўлиши нутқий имкониятларнинг чексизлигини таъминлашига оид назарий хулосалар 7Ф-4.13 рақамли «Шарқ мумтоз адабиётида комил инсон концепцияси» (2003-2007) номли фундаментал лойиҳага қўлланилган (Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш кўмитасининг 2016 йил 10 ноябрдаги ФТК-0313/784-сонли маълумотномаси). Илмий натижалар асосида бирликнинг серқирралик моҳияти ёритиб берилган.

Самарқанд вилоят телерадиокомпаниясининг «Таълим ва тараққиёт», «Жараён», «Талқин», «Тафаккурдан томган томчилар» кўрсатувлари ҳамда «Мутахассис маслаҳат беради» эшиттиришида тадқиқотчи томонидан тавсия этилган тил тараққиётидаги ўзгаришлар, мулоқот жараёни, ёрдамчи сўзларнинг нутқни безаш хусусияти, матндаги вазифаси билан боғлиқ айрим мулоҳазалари, тил имконияти, сўзловчининг сўз танлаш маҳоратига оид фикрларидан фойдаланилган (Самарқанд вилоят телерадиокомпаниясининг 2017 йил 11 сентябрдаги 05-15/1056-сон маълумотномаси). Натижада айни кўрсатувларнинг илмий-оммабоплиги таъминланган ва янги манбалар билан бойиган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Ушбу тадқиқот натижалари 5 та халқаро ва 25 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича 82 та илмий иш нашр этилган, шулардан 3 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертацияларининг асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 17 та мақола, жумладан, 14 таси республика ҳамда 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, 4 та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан ташкил топган бўлиб, ҳажми 262 саҳифадан иборат.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр қилинган ишлар, диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Ёрдамчи сўзларнинг ўзбек тилшунослигида тавсифи ва талқини**» деб номланган биринчи бобида ёрдамчи сўзларнинг сўз туркумлари тизимидаги мавқеи, мустақил сўзлар билан муносабати, пайдо бўлиш усуллари ва тасниф этиш тамойиллари тадқиқ қилинган. Бу борада бажарилган тадқиқотлардаги олимларнинг фикр-мулоҳазалари шарҳланган ва илмий баҳоланган.

Антик даврларда ҳам сўзларни туркумларга таснифлаш жараёнида ёрдамчи сўзлар алоҳида бир гуруҳ сифатида ажратилган, лекин бу тўпламнинг чегараси аниқ бўлмаган, жуда кўп ҳолларда ўзгармас сўзларнинг бошқа турлари (равешлар, модал сўзлар, ундов ва тасвирий сўзлар) билан аралаштирилган. Бинобарин, тил сатҳида мустақил сўзларнинг шаклланиши, бир-биридан фарқланиши қандай мураккаб рухий-лингвистик жараён бўлса, ёрдамчи сўзларнинг ҳам пайдо бўлиши, бу тизимда мустаҳкам ўрнашиб алоқага киришиши мураккабликда ундан кам бўлмаган тараққиёт маҳсули ҳисобланади<sup>6</sup>.

Тил тизимида бирор сўзнинг пайдо бўлиши ёки истеъмолдан чиқиши, фонетик шакли ўзгариши ёки семантикасига ўзгаришлар (янги маъно ёки маъно хиралашуви) оддий ҳодиса бўлмасдан мураккаб тизимий муносабатларнинг маҳсули бўлганидек, мустақил ва ёрдамчи сўзларнинг шаклланиши ҳам узок даврлар давом этган тарихий-генеологик алоқадорликнинг самарасидир. Шунингдек, мустақил ва ёрдамчи сўзларни бир-биридан ажратиш, уларни ўзаро алоқадорликда бўлса ҳам айри-айри (лексикадан ҳам, грамматикадан ҳам бошқа) тизимларда кўриб чиқиш мумкин бўлмаган ҳолдир.

<sup>6</sup> Черкасова Е. Т. Переход однозначных слов в предлоги. – М.: Наука, 1967. – С.12–15.

VIII-XI асрларда араб тилшунослиги ва туркийшуносликда ёрдамчи сўзлар агглютинатив қўшимчалар билан бирга сўз туркумларининг ҳарфлар гуруҳига киритилган ва «Девону луғотит турк»даёқ туркий тилларда қўлланилган аффиксал қурилишли ёрдамчи сўзларнинг нутқий вазифаси умуман тўғри тавсифланган.

XIX аср охири – XX аср бошларида рус тилшунослигида сўз туркумларида ички тўпламлар сифатида *мустақил сўзлар* (знаменательные слова) ва *ёрдамчи сўзлар* (служебные слова) гуруҳларини фарқлаш оммалашди. Туркийшуносликда, жумладан, ўзбек тилшунослигида XIX аср бошлари ва ўрталаридан бошлаб XX аср ўрталаригача ёрдамчи сўзлар (русча *служебные слова* терминининг таржима-калькаси) гуруҳи рус тилшунослиги ва рус тили грамматик таҳлил чизмалари таъсирида (аникроғи, айнан кўчирилиши асосида. Бунинг ёрқин далили сифатида XX асрнинг ўрталаридан бошлаб фанимизда инкор этилган *олдкўмакчи* ва *сўнгкўмакчи* калькаларини келтириш мумкин) талқин этилди, *кўмакчи*, *боғловчи* ва *юклама* терминлари киритилди. Илк босқичда ёрдамчи сўзлар тўпламида ажратилган ички гуруҳларнинг чегараси жуда ноаниқ, айрим атамалар мавҳум эди.

XX аср ўрталарига келиб жаҳон тилшунослигида систем-структур таҳлил усулларининг оммалашishi билан боғлиқ равишда сўзларни туркумларга ажратишда барча тиллар учун умумий бўлган универсал тасниф бўлиши мумкин эмаслиги ҳақидаги хулоса кенг тарқалди ва ҳар бир тилнинг сўз туркумлари шу тил учун хос бўлиши лозимлиги тамойили оммалаша борди. Бу ўзбек тилшунослигига ҳам ўз таъсирини кўрсатди, фанимизда сўзларни туркумлашнинг тилимиз лингвистик табиатига мос келадиган тамойилларини ишлаб чиқиш ва оммалаштиришга илк қадамлар қўйилди. Бунда муҳим хулосалардан бири ўзбек тилида ёрдамчи сўзларнинг тил тизимида сўз мавқеида бўлиши ва бу тўплам бирликларининг мустақил сўзлар билан биргаликда сўз туркумлари доирасида таҳлил ва талқин қилиниши лозим эканлиги ҳақидаги хулоса бўлди. Шу билан боғлиқ равишда ёрдамчи сўзларнинг ички гуруҳлари сифатида ажратиладиган кўмакчи, боғловчи ва юкламаларни равишлар, модал сўзлар, ундов ва тасвирий сўзлардан фарқлаш тамойиллари ишлаб чиқилди ва оммалашди. Нутқда мустақил ва ёрдамчи сўз сифатида қўлланилиши мумкин бўлган жуда катта миқдордаги гибрид сўзлар (от-кўмакчи, равиш-кўмакчи, сифат-кўмакчи, кўмакчи феъллар, нисбий сўзлар в.х) ажратилди ва ҳозирги ўзбек адабий тилида қўлланилиши атрофлича тавсифланди, кўмакчилар, боғловчилар ва юкламаларнинг сўз туркумлари орасидаги ўрни ва нутқий вазифаларига бағишланиб алоҳида-алоҳида монографик тадқиқотлар (диссертациялар) амалга оширилди; ёрдамчи сўзларнинг ички бўлинишлари муайянлаштирилди, улардан ҳар бирининг чегараси ҳам мустақил, ҳам ёрдамчи сўз сифатида қўллана оладиган гибрид сўзлар билан кескин кенгайтирилди, мустақил сўзларнинг ёрдамчиларга ўтиш қонуниятлари аниқлаштирилиб, ўзбек тилининг турли давр ёзма ёдгорликлари ва адабий тили материаллари асосида ёрқин мисоллар билан далилланди.

Ўтган асрнинг 40-70-йилларида ўзбек тили ёдгорликларида ва адабий тилида ёрдамчи сўзларнинг қўлланиши борасида синхроник формал тавсиф этиш методи тамойиллари асосида катта ютуқлар қўлга киритилди. 50-йиллардан кейин ўзбек адабий тили бўйича нашр этилган барча дарслик ва ўқув қўлланмаларида ёрдамчи сўзларнинг кўмакчи, боғловчи ва юкламаларга ажратилиши, уларнинг умумий интеграл (бирлаштирувчи) ва ҳар бир гуруҳнинг хусусий фарқловчи (дифференциал) семантик-функционал белгилари ўз тавсифини топди. Лекин ёрдамчи сўз туркумлари ички гуруҳларининг таркиби ва чегаралари, сўз ва кўшимчаларга муносабати ноаниқ, айрим ҳолларда кескин фарқли эди. Шунингдек, тасниф ва талқиндаги ноаниқликни акс эттирадиган *кўмакчи-боғловчи*, *боғловчи-кўмакчи*, *боғловчи-юклама*, *юклама-боғловчи*, *модал сўз-юклама* каби мавҳум атамалар, XX аср бошларида ҳукмронлик қилган рус тили грамматик назарияси таъсири натижасида шаклланган фикрлар ёрдамчи сўз туркумлари муаммосини миллий тилшунослигимиз талаблари асосида қайта кўриб чиқишни талаб этар эди.

Дунёдаги барча тилларда ёрдамчи сўзларнинг вазифаси бир хил: нутқ ифодалаш жараёнида сўзларнинг ўзаро муносабатга киришувини таъминлаш. Ёрдамчи сўзлар Ҳинд-Европа тилларида бу вазифани ўзлари кўпроқ белгиланган сўз билан бажарса, ўзбек тилида бу вазифа сўзлар ва кўшимчалар билан биргаликда амалга оширилади. Аммо агглютинатив тиллардаги ёрдамчи сўзлар билан флектив тиллардаги ёрдамчи сўзларнинг грамматик табиатида ўзига хос фарқлар бор. Бу тиллардаги ёрдамчи сўзларни бир хил ёндашув билан текшириб бўлмайди. Туркий тилларда ёрдамчи сўзлар Ҳинд-Европа тилларига қараганда жонли ва эркин бирикувларни таъминлаб, грамматик манзара яратишга хизмат қилади. Гарчи ёрдамчи сўзларнинг умумий, универсал характерини исботлаш мақсадида флектив ва агглютинатив тиллардаги бу воситалар қиёсланиб тадқиқ этилаётган бўлса-да<sup>7</sup>, уларнинг ички типологик қонуниятлари ҳар бир тилда ўзига хос равишда намоён бўлади. Аммо кўпгина тилшунослар Ҳинд-Европа тилларидаги ёрдамчи сўзлар морфологияси ва семантикасига оид назарий хулосаларини бемалол туркий тиллар ёрдамчи сўзлари тараққиёти билан боғлаш мумкин, деб ҳисоблашади<sup>8</sup>. Шунинг учун ёрдамчи сўзларнинг ўзбек тили тизимида тутган ўрнини объектив баҳолаш масаласи охиригача ечимини топган, деб бўлмайди. Зеро, ёндашувлар тилимиз табиатидан келиб чиқмаган ҳолда танланган ва бу сўзларни туркумлаш масаласи кун тартибига қўйилгандан буён ёрдамчи сўзларнинг мустақил сўзлар билан бирга ёки алоҳида бир гуруҳ – сўзлардан ҳам, аффиксал бирликлардан ҳам фарқланувчи гуруҳ сифатида – ўрганиш ва талқин қилиш борасида турлича фикрлар баён этиб келинган. Мустақил ва ёрдамчи сўзларни фарқловчи (зидлантирувчи) белгилар билан

<sup>7</sup> Гереева А. Служебные слова в кумыкском и английском языках: послелогои и союзы: Дисс. ...канд. филол. наук. – Махачкала, 2004. – 148 с.

<sup>8</sup> Аракин В. Сравнительная типология английского и русского языков. – М.: Наука, 1979; Ахманова О. О роли служебных слов в словосочетании // Вопросы грамматического строя. – М.: Наука, 1965.

бир қаторда уларни бирлаштирувчи жиҳатларнинг мавжудлиги уларни бир парадигма доирасида – сўз туркумлари тизимида тутиб туради.

Ёрдамчи сўзлар тавсифи ва талқини масаласида энг долзарб муаммолар қуйидагича умумлаштирилди:

1. Ёрдамчи сўзлар мустақил сўз туркумлари билан *доимий* ва *узлуксиз* алоқадорликда. Бу нафақат ёрдамчи сўзларнинг матнда мустақил сўзларнинг воқеланишлари учун хизмат қилади, балки ёрдамчи сўзлар хазинасининг узлуксиз равишда мустақил сўзлар ҳисобидан бойиб ва кенгайиб боришида, бу жараённинг узлуксизлигида, ёрдамчи сўзлар тизимида тарихан мустақил сўз бўлиб, ҳозир тарихий ўзагидан батамом узилиб кетган ёрдамчи сўзлар билан (чунончи, *била*) бир сафда ёрдамчилашишга илк қадам ташлаётган (чунончи, *мақсадидида, сабабли*) мустақил сўзлардан ўз алоқаларини узмаган бирликлар ҳам туришида намоён бўлади. Шу боис ёрдамчи сўзлар «соф» (мустақил сўзлар билан алоқаси узилган ёки батамом қоронғилашган сўзлар) ва «функционал» (шаклий-маъновий алоқалари мустақил сўзлар билан узилмаган) каби турларга бўлинади.

2. Ёрдамчи сўзлар келиб чиқиш манбаи, шакл хусусиятларига кўра тилнинг лексик сатҳи бирликлари бўлиб, мазмун ва вазифасига кўра лексик усул билан грамматик маъно ифодалашга хизмат қилади. Шу боис улар, биринчидан, лексика ва грамматика орасида турган оралик бирликлар сифатида қабул ва тавсиф этилиши лозим, иккинчидан, уларнинг лексик маъноси ўзига хос ва маълум даражадаги грамматик умумлашма табиатига эга. Маъноларининг умумлашмаллиги даражасига кўра ҳам ёрдамчи сўзлар аффиксал морфемаларнинг граммедалари ва лексемаларнинг семемалари орасида туради.

3. Тил сатҳида ёрдамчи сўзлар мустақил сўзларга нисбатан бирмунча «сода» категорияларни ташкил этса ҳам, семантик юки бир оз «енгилроқ»дек туюлса ҳам, нутқда муайян фикрни ифодалаш жараёнида уларнинг роли мустақил сўзларникидан кам эмас. Ёрдамчи сўз туркумларининг функционал маъноси гап структурасидаги ўрни ва роли билан боғлиқ, чунки улар оддий ёки мураккаблигидан қатъи назар, фикрни ифодалашда иштирок этадиган гап бўлақларининг модал ва прагматик компонентларида қатнашиб, нафақат мураккаб синтактик мазмун турларини, балки В.Г.Гак айтганидек, «инсон фаолияти доирасида мулоҳаза, сўзловчи ва контекст орасидаги муносабатларни билдиради»<sup>9</sup>.

4. Тилшуносликда прагмалингвистика ва унинг дискурсив таҳлил усулининг оммалашиши, мулоқотнинг фаолият сифатида таҳлил этилиши ҳар бир нутқий ҳодисанинг *прагматик* аҳамиятини, самарадорлигини (коммуникатив-услубий таъсирчанлигини), алмашинувчанлигини, ҳар бир вариантнинг дискурсив аҳамиятини аниқлашни талаб этади. Тилшунослигимизда ёрдамчи сўзларнинг ички таснифи ва талқинида қатор ечилмаган муаммоларнинг мавжудлиги, субстанциал таҳлилда бу гуруҳ бирликларининг махсус тадқиқ манбаи бўлмаганлиги, ёрдамчи сўзларнинг

<sup>9</sup> Гак В. Высказывание и ситуация // Проблемы структурной лингвистики. – М.: Наука, 1973. – С. 349–372.



қўлланиши дискурсив таҳлил методлари билан етарлича таҳлил этилмаганлиги ушбу тадқиқот учун танланган мавзунинг илмий қиймати ва долзарблигидан далолат беради.

Диссертациянинг «**Ёрдамчи сўзлар лексика ва грамматика оралиғидаги восита сифатида**» деб номланган иккинчи бобида ёрдамчи сўзларнинг грамматик маъно ифодаловчи восита эканлиги, уларда умумийлик ва хусусийлик диалектикасининг воқеланиши, ёрдамчи сўзлар моҳиятини очишда *муносабат* тушунчасининг мазмуни ва диалектикаси, бу туркум сўзларининг ўзаро оппозитивлиги, даражаланиши, грамматикализацияси, транспозицияси каби масалалар ёритилган.

Дарҳақиқат, формал таҳлил ва тавсиф асосида ёрдамчи сўзлар қатламининг хилма-хиллиги, ўзига хос хусусиятлари, деярли ҳар бир бирликнинг ранг-баранг нутқий ва ифодавий вазифалари тавсифи уларни диалектик методлар билан умумлаштиришни кун тартибига қўяди. Бу эса йиғилган материалга аниқ методологик тамойиллар билан ёндашиб, бу туркум сўзларнинг субстанциал табиатини ва ички парадигмаларини очиш, ҳар бир бирликнинг парадигматик мансублиги, ўзаро гомоген ва гетероген поғоавий муносабатлари, шакл ва мазмун номутаносиблиги, уларда «оралиқ учинчи»лик хусусиятларининг воқеланиши каби бир қатор муҳим масалаларини ёритишни, уларнинг кенг қамровли тавсифий таҳлилини беришни талаб қилади.

Ёрдамчи сўзларнинг субстанциал талқини бу туркум воситалар билан боғлиқ қатор чигалликларни ечишга имкон беради. Зероки, формал-функционал таҳлил усулининг «лисоний бирликнинг серқирралиги» тамойили бу воситаларнинг кўплаб қирраларини очишга, бу қирраларни ёрдамчи сўзларнинг зиддиятли иккиланган моҳиятини яхлитликда англаш ва тавсифлашга имкон беради. Олдинги бобда кўриб ўтганимиздек, антик даврлардан бошлаб ёрдамчи сўзлар тилимиз *лексик* сатҳининг бирлиги сифатида ажратилиб, уларнинг асосий вазифаси ҳар хил *грамматик* маъноларни ифодалаш саналади, онтологик зиддиятли бирлик сифатида талқин қилинади. Моҳиятан зиддиятли ҳодисани зиддиятларни ўрганувчи ҳамда уларнинг бирлиги ва курашини илмий тушунчаларда акс эттира оладиган метод билан ҳаққоний тавсифлаш мумкин.

Бундан ташқари, субстанциал таҳлилнинг грамматик категория ва шаклларнинг (демак, грамматик маъно ифодалашга хизмат қиладиган ҳар турдаги лисоний бирликларнинг) семантик, синтактик вазифаси ҳақидаги таълимоти ҳам ёрдамчи сўзлар табиатини очиш ҳамда тавсифлашда қўл келади. Шунингдек, ҳар бир ёрдамчи воситанинг семантик ва синтактик вазифасини фарқлаш ҳамда бир субстанциал бутунликда бирлаштиришга имкон беради. Ёрдамчи сўзларнинг умумий синтактик вазифаси нутқда бирликларни боғлаш, уларни хилма-хил муносабатларга киритиш бўлса, умумий семантик вазифаси *макон-замон*, *сабаб-оқибат*, *мақсад-мазмун*, *бутун-бўлак*, *аниқлик-мавҳумлик*, *объективлик-субъективлик*, *умумийлик-хусусийлик* каби ранг-баранг маъноларни ифодалашдир. Нутқ жараёнида

ёрдамчи birlik семантик ва синтактик томонларининг бирлиги сифатида юзага чиқади.

Кўмакчилар, боғловчилар, юкламалар чегараси, таркиби ва миқдори ҳам фанимизда ноаниқ ва турли адабиётларда турличадир<sup>10</sup>. Нима учун тилимиздаги мавжуд ёрдамчи сўзларнинг миқдори ва қўлланиш комбинаторикасига оид аниқ статистикаси ва сирасини келтириш қийин? Бунга нима халақит беради? сингари саволларга жавоб топиш учун дастлаб тил сатҳидаги қуйидаги ҳолатга эътибор қаратиш зарур: ёрдамчи сўзларнинг ҳар учала турида ҳам *марказ-қуршов* муносабати мавжуддир. Бу туркум сўзларда қуршов доимо очик бўлади ва унга сўзлар доимо «кириб-чиқиб» туради – тил тараққиёти давомида мустақил сўзлар ёрдамчи сўзларга томон силжиса, айрим ёрдамчи сўзлар истеъмолдан чиқиб кетади. Шу ҳолатнинг ўзиёқ тилимиздаги кўмакчи, боғловчи, юкламаларнинг аниқ қўлланиш статистикасини келтиришни қийинлаштиради. Бундан ташқари, ҳар хил дарсликларда кўмакчи, боғловчи, юкламалар гуруҳланиши ва таркибининг турли хил берилиши кўп йиллардан буён бу масалани чигаллаштириб келмоқда. Кўпчилик бу ҳолатга бефарқ қарайди. Ваҳоланки, тилшуносликнинг бугунги тараққиётида муҳим лисоний birlik ва ҳодисалардаги бу каби янглиш ёндашувларни бартараф этиш, уларни тартибга солиш ва бир тизимга келтириш талаб этилади. Лекин ёрдамчи сўзларда лексик ва грамматик маънолар, лисон ва нутқ, тил ва тафаккур (борлик) муносабатлари, тилдаги тарихий эволюция ва тараққиёт занжирининг узлуксизлиги ва давомийлиги шундай қоришиб кетадики, муайян ҳолда қайси омилнинг етакчилигини аниқлаш қийин.

Ёрдамчи сўзлар мустақил равишда луғавий маъно англатмаса-да, мустақил сўзлар билан бирга келиб уларнинг лексик маъносини юзага чиқаришга ёрдам беради. Айрим ёрдамчи сўзларнинг луғавий маънолари бордай сезилса-да, аслида бу ҳам уларнинг грамматик маъносидир. Ёрдамчи сўзлардаги бу «луғавий маънолар» ўзлари боғланиб келган сўзлар билан биргаликда фақат грамматик маъноларни юзага чиқаришга, воқелантиришга хизмат қилади, шунга ихтисослашган бўлади.

Ёрдамчи сўзларнинг хусусий грамматик маънолари ўзлари қўшилиб келган сўзларнинг луғавий ва грамматик маънолари билан уйғунлашиб, гап қурилиши ва унинг коммуникатив мақсадига жиддий таъсир этади, шу матнда ҳал этувчи, етакчи омилдек туюлади, бўртиб, қалқиб чиқади. Умумий грамматик маъно эса минглаб хусусий зарраларга «парчаланиб» кетиши оқибатида хусусийликлар ичига сингиб кетгандек бўлади. Лекин хусусий грамматик маънолар қанчалик хилма-хил ва ранг-баранг, у ёки бу матн учун ҳал этувчи, муҳим бўлмасин, умумий грамматик маънонинг зарралари ҳисобланади ва ўзида умумий грамматик маънонинг хусусиятларини сақлайди. Зеро, УГМ ХГМлардан ташкил топади ва улар ўртасида «бутун-бўлак» муносабатлари мавжуддир.

<sup>10</sup> Ҳожиёв А. Ҳозирги ўзбек адабий тили боғловчилари ҳақида мулоҳазалар // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1986. – №2. – Б. 51–56; Бозоров О. Кўрсатилган асар. – Б. 9; Исақов З. Кўрсатилган асар. – Б. 14.

Ёрдамчи сўзларнинг умумий-хусусий грамматик маънолари хусусида сўз юритганда улардаги оралиқ грамматик маъно табиати ҳақида ҳам гапириш лозим. Оралиқ грамматик маъно ёрдамчи сўзларнинг умумий грамматик маъноси ва хусусий грамматик маъноси қарама-қаршилигидаги икки қутбни бирлаштириб, ўзида мужассамлаштирувчи ҳолатдир. «Оралиқ грамматик маънолар шундай мураккаб мавжудликки, унда бевосита хусусий грамматик маънонинг ҳам, умумий грамматик маънонинг ҳам хоссалари мавжуд бўлади. Оралиқ грамматик маънолар нафақат умумийликларни тиклашда, балки умумий грамматик маъноларнинг хусусий грамматик маънолар орқали юзага чиқишида ҳам воқеланишнинг узлуксизлигини таъминлайди»<sup>11</sup>. Шу нуқтаи назардан ёрдамчи сўзларнинг тавсиф ва таҳлилида *умумий грамматик маъно – оралиқ грамматик маъно – хусусий грамматик маъно* босқичларини фарқлаш лозим.

Ёрдамчи сўзларда зиддиятли ҳолатларнинг мавжудлиги ушбу туркумга оид сўзларнинг лисондаги ҳаёти ва ривожини таъминлайди ва уларнинг воқеланишини умумий ва хусусий грамматик маъноларга ажратиб тушуниш имконини яратади. Демак, ёрдамчи сўзларнинг умумий грамматик маъноси тил тизимидаги ўрнини, оралиқ грамматик маънолари унинг имконли нутқий синонимик вариантларини белгиласа, хусусий грамматик маъноси уларнинг маълум бир нутқий жараёнда воқеланишини изоҳлайди ва система-унсур муносабатлари гиперо-гипонимик табиатли узлуксиз поғонавийлик сифатида воқеланади.

Кўмакчи, боғловчи, юкламаларнинг ўзаро зидланишига асос бўлувчи хусусиятларини бинар тамойилнинг «эга-эга эмас» (+ ва - ) лик белгисига кўра таҳлил этсак, дастлаб 12 хил асосни кўриш мумкин<sup>12</sup>.

#### **Кўмакчи, боғловчи, юкламаларнинг ўзаро зидланиш асослари**

№	Зидланиш асослари	Кўмак-чи	Боғ-ловчи	Юкла-ма
1	Аналитик форма ҳосил қилиш ва гап бўлакларини шакллантириш	+	-	-
2	Синтактик муносабатларни таъминловчи восита бўлиш	+	+	-
3	Тенглашиш синтактик алоқасини таъминлаш	-	+	-
4	Тобелашиш синтактик алоқасини таъминлаш	+	+	-
5	Келишик қўшимчалари билан функциядошлик	+	-	-
6	Модал маъно ифодалаш	-	-	+
7	Маълум келишикдаги сўзларни бошқариш-бошқармаслик	+	-	-
8	Турланишга мойиллик	+	-	-
9	Грамматик маъно ифодалаш	+	+	-
10	Бирикма ёки гап таркибида маъно ва вазифасини юзага чиқаришда шаклий қиймати билан мунтазам	+	-	+

<sup>11</sup> Менглиев Б. Лисоний тизим яхлитлиги ва унда сатхлараро муносабатлар: Филол. фан. д-ри ... дисс. автореф. – Тошкент: ТАИ, 2002. – Б. 26.

<sup>12</sup> Т.Турдибоев ёрдамчи сўз туркумларини ўзаро қарама-қарши белги-хусусиятларига (оппозиция асосларига) эга бўлган еттига гуруҳга ажратади. Қаранг: Турдибоев Т. Ўзбек тилида ёрдамчи сўзлар конверсияси: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент: ТАИ, 1996. – Б. 13.

	иштирок этиш-этмаслик			
11	Мустақил сўзларнинг луғавий маъносини шакллантириш	+	-	-
12	Фаол пресуппозиция ифодалаш	+	-	+

Ёрдамчи сўзларнинг даражаланиш асосидаги таҳлили бу тизимда бирликлар парадигма ичида бинар зидланишда эмас, балки градуал оппозитивликларда мавжуд бўлиши ҳақидаги умумий хулоса чиқаришни талаб қилади. Ёрдамчи сўзларни градуонимик сираларда таҳлил этиш уларнинг моҳиятига чуқурроқ кириш имкониятини беради. Ишда ҳар хил даражаланувчи белгилар (чунончи, кўмакчиларда *ўрин, пайт, йўналиш, чегара, сабаб, мақсад, объектга яқинлик, узоқлик ...*, боғловчиларда – *бириктириш, айириш, сабаб ...*, юкламаларда *таъкид, сўроқ, истак, тахмин, гумон, тасдиқ, инкор* в.х. маънолари, уларнинг ҳар хил тур ва бўёқлари, чунончи, ўрин маъносининг *уст, ост, ён...*, пайт маъносининг *олдин, кейин, айна бир вақт...* каби турлари) асосида кўмакчиларда 35, боғловчиларда 5, юкламаларда 22 градуонимик сира ажратилган. Айтиш мумкинки, ўзбек лексикографияси бўйича тузилаётган ҳар хил луғат ва тавсифларларда буни акс эттириш бу ишларнинг яна ҳам мукамалроқ бўлишига хизмат қила олади.

Тилимизда ёрдамчи сўзлар таркибида бўлган ва бўлаётган сифат ва миқдор ўзгаришларнинг барчаси (жумладан, соф ёрдамчиларнинг функционал ёрдамчилар, функционал ёрдамчиларнинг мустақил сўзлар ҳисобидан бойиб бориши) грамматикализация асосида содир бўлади. Ишда сўзшаклларда грамматикализациянинг тўрт босқичи ажратилган:

1-босқич *ёрдамчисимонлик* (ихтисослашиш) – мустақил сўз мустақиллигини ва бўлинувчанлигини сақлаган ҳолда ўзининг луғавий маъноси асосида ёрдамчи сўз вазифасида келади ва луғавий маъносини умумлаштиради. Чунончи, *ўқишга ↔ ўқиш мақсадида ↔ ўқиш учун*);

2-босқич *ёрдамчилашаётганлик* – мустақил сўз луғавий маъносини яна ҳам қоронғилаштиради (*Иш бошида саркор туради*);

3-босқич *ёрдамчилашганлик* (соддаланиш) – мустақил сўз луғавий маъносини батамом қоронғилаштиради, бўлинувчанлигини ҳам йўқота бошлайди (*Иш ҳақида узоқ гаплашдик*);

4-босқич *тублашганлик* – мустақил сўз ўз луғавий маъносини ҳам, таркибий бўлинувчанлигини ҳам йўқотади, соф ёрдамчига ўтади (*Йигит йўл бўйи хиргойи қилиб борди*). Ишда ўзбек тилида қўлланилаётган ёрдамчи сўзлар шу тамойил асосида тугал таснифланган.

Ишда ёрдамчи сўзларда транспозиция масаласи муҳокама этилган. Бунда тилшунослигимизда қўлланилиб келинаётган мавҳум қўшма атамалар (*кўмакчи-боғловчи, боғловчи-юклама, юклама-боғловчи* в.х.) таҳлил қилиниб, субстанциал таҳлилдаги манбанинг серкирралиги, грамматик шаклларда категориал, ёндош ва ҳамроҳ маънолар доимийлиги тамойили асосида ёрдамчи сўзларда бирламчи ва иккиламчи вазифалар фарқланган, шунга кўра таҳлилга жалб этилган 600 дан ортиқ ёрдамчи сўзнинг таснифи берилган, бир

сира боғловчиларнинг бирламчи вазифаси тарихий тараққиёт натижасида ўзгариб, иккиламчи вазифага ва, аксинча, иккиламчи вазифа бирламчи мавқега ўтганлиги асосланган.

Ёрдамчи сўзларнинг лисоний тизимдаги мавқеини белгилашга оид энг долзарб муаммолар қуйидагича умумлаштирилган:

1. Тил тизимидаги ёрдамчи сўзларнинг грамматик вазифаси (умумий маъноси) мустақил луғавий маъноли сўзларнинг ўзаро муносабатини таъминлаш ёки сўз ва гапга қўшимча маънолар ифодалашдир. Бу умумий грамматик маъно ёрдамчи сўз туркумларининг ҳар бирида парчаланиб, хусусийлашади. Жумладан, кўмакчиларда *ўзи боғланган сўздан кейин келиб улар билан биргалликда турли муносабатларни ифодалаш*, боғловчиларда – *сўзларни ёки содда гапларни боғлаш*, юкламаларда – *сўзга ёки гапга қўшимча маъно қўшиш* сифатида муайянлашади. Кўрсатилган туркум маънолари (вазифалари) ёрдамчи сўз туркумлари тизимида ҳар бир туркум учун дифференциал (шу туркумни бошқа туркумлардан фарқловчи), туркумнинг ўзи учун интеграл – барча birlikлари учун умумий ва уларни бирлаштирувчи белги мавқеидадир.

2. Туркум маъноси шу туркумнинг ички гуруҳларида яна ҳам парчаланаяди ва поғонавий равишда алоҳида birlik даражасигача муайянлашиб бораверади. Бундай поғонавий бўлинишнинг ҳар бир бўғини туркум умумий маъносининг моҳиятини сақлаган ҳолда уни муайянлаштиради, ўзига хусусийлаштиради, унга нимадир қўшимча қилади. Бундай вазифалар поғонавий бўлинишнинг ҳар бир бўғинида шу бўғиндаги birlikларнинг ўзаро муносабатлари асосида белгиланади. Ҳар бир қуйи поғона birlikининг моҳияти барча юқори поғоналар оппозицион белгиларининг мажмуи табиатига эга бўлади. Ҳар бир муайян ёрдамчи сўзнинг шу тариқа аниқланган серқирра, ички зиддиятли (бир неча оппозитив белгилар мажмуаси), даражаланган субстанциал умумий маъноси оралиқ грамматик маънолар орқали хусусий – матний, контекстуал, ситуатив, матнда воқеланган, матн шароитлари ва синтагматик алоқалар билан мураккаблашган маънолар даражасигача тушади ва матн таъсирида янги-янги хусусий оттенкалар кашф этиб, бир томондан, ўзининг субстанциал табиатини намоиш қилади, иккинчи томондан, янги шароит таъсирида янги қирралар ҳосил этиб, уларнинг зарралари билан умумий маънони бойитиб бораверади.

3. Семантик (маъновий), грамматик ва прагматик хусусиятлар ёрдамчи сўз туркуми ичида муайян бир хусусиятнинг етакчилиги бўйича даражаланиш сираларини тузади. Чунончи: а) прагматик хусусиятнинг етакчилигига кўра: *юклама* → *боғловчи* → *кўмакчи*; б) грамматик хусусиятнинг етакчилигига кўра: *кўмакчи* → *боғловчи* → *юклама*; в) семантик хусусиятнинг етакчилигига кўра: *кўмакчи* → *боғловчи* → *юклама*.

Ёрдамчи сўзларда бирламчи ва иккиламчи вазифалар мана шу даражаланиш сираларда тутган ўрни билан белгиланади. Бунда тадқиқотчи диққатини ўзига тортадиган хусусият шундаки, ҳар учала оппозитив сирада боғловчи оралиқ ўринни эгалламоқда – бирор тизимда ҳам у чекка, яъни

етакчи ўринни эгалламайди. Бунинг сабабини тилимизда боғловчиларнинг тарихий мавқеи изоҳлайди – боғловчилар туркий тилларда (демак, ўзбек тилида ҳам), асосан, бошқа тиллардан ўзлашган. Туркий тилларда исми билан боғлаш (қаратқич келишик ва эгалик шакллари), феълни феъл билан боғлаш (равишдош шакллари), феълни исм билан боғлаш (сифатдош ва ҳаракат номлари шакллари), номустақил кесимни мустақил кесим билан (эргаш гапни бош гап билан) боғлаш (НМК шакллари), шунингдек, туркий юкламаларда онтологик равишда боғлаш иккиламчи вазифаси мавжудлиги сабабли бу тилларда боғловчиларга *тизимий* (систем-структур) эҳтиёжни камайтирган ва туркий тиллардаги барча боғловчилар олинмалардир. Шунинг учун юқоридаги даражаланишда ҳеч бир кўринишда боғловчилар қатъий чекка ўринни – оппозиция белгисини ифодалашга ихтисослашган лисоний бирлик ўринни эгаллай олмайди. Ҳамиша ораликда – кўмакчи ва юклама зиддияти орасида туради. Боғловчиларнинг ёзма нутқимизда фаоллашуви ўзбек тилининг қўлланилиш доираси ва соҳаларининг жиддий кенгайиши билан узвий боғлиқ.

4. Ёрдамчи сўзларда туркум маънолари билан ҳамоҳанг бирламчи ва ундан фарқли, иккиламчи синтактик вазифаларни фарқлаш улар субстанциал табиатининг серқирралиги, зидланишли иккиланганлиги билан узвий боғланган. Бундай фарқлаш эса улардаги нутқий ранг-баранглик ва зиддиятли воқеланишларни нутқий транспозиция воситасида шарҳлаш, илмий тавсиф ва дидактик талқинда *юклама-боғловчи*, *боғловчи-юклама*, *кўмакчи-боғловчи* каби мавҳум атамалардан воз кечиб, манбани онтологик серқирралиги ва ички зиддиятида талқин этишга йўл очади.

5. Мустақил маъноли сўз туркумларида бўлганидек, ёрдамчи сўз туркумлари ҳам онгимизда *луғавий-маъновий-функционал* гуруҳларга бирлашиб яшайди. Ёрдамчи сўз туркумлари ичидаги луғавий-маъновий-функционал гуруҳлар, мустақил сўзларда бўлганидек, *марказ – қуршов* алоқалари билан, гуруҳ ичидаги бирликлар эса ўзаро парадигматик алоқалар билан боғланган бўлади. Қуршовлар кўп қаватли ва ҳамиша очик, ўзгарувчан бўлади. Мустақил сўз туркумлари луғавий парадигмаларига қандай хусусиятлар хос бўлса, уларнинг барчасини ёрдамчи сўз туркумлари ичидаги луғавий-маъновий-функционал гуруҳларда ҳам кўриш мумкин.

Диссертациянинг «**Ўзбек тили ёрдамчи сўзларини ўрганишга прагматик ёндашув**» номли учинчи боби прагмалингвистика, прагматик таҳлилнинг асосий тушунчалари, уларнинг ўзбек тилшунослигида оммалашishi, прагматик плеоназм ва пресуппозициянинг ўзбек тили ёрдамчи сўзларида воқеланиши масалаларига бағишланган. Тилшунослигимизда ёрдамчи сўзлар, хоҳ лисоний боскичда, хоҳ нутқий боскичда бўлсин, ҳозиргача асосан статик лингвистик таҳлил тамойиллари – фаолиятдан, мулоқот жараёнидан ажратилган шаклда тавсифлаш асосида ўрганилди. Бугун эса тилшунослигимизда прагмалингвистика, яъни лисоний ва нутқий бирликларни дискурсив таҳлил тамойиллари асосида коммуникатив нутқ жараёнида намоён этувчи прагматик ва стилистик хусусиятларини атрофлича таҳлил этиш кенг оммалашмоқда.

Ёрдамчи сўзларнинг матнда ва ҳар хил нутқий вазиятларда воқеланувчи прагматик хусусиятлари фанимизда нисбатан янги бўлган дискурс назарияси, дискурсив таҳлил усуллари билан шу пайтгача махсус тадқиқ қилинган эмас. Ваҳоланки, ўзаро фикр алмашиш жараёнида гап ёки матн семантикасида ёрдамчи сўзлар алоҳида мавқега эга. Оддийгина битта боғловчи ёки юклама матннинг информатив ва ифодавий мақсадини, адресант адресатга етказишни кўзлаган маълумотни батамом ўзгартириши мумкин. Дискурсив таҳлил ва прагмалингвистикада эришилган ютуқлар бу масалани ҳам замонавий таҳлил усулларида атрофлича ўрганишга имкон беради. Зеро, ёрдамчи сўзлар гап ёки жумла таркибидаги сўзларни ёки содда гапларни ҳамда улар орасидаги турли хил муносабатларни ифодаловчи, уларга қўшимча маъно берувчи грамматик воситалар ҳисобланса-да, матн талабига кўра хилма-хил прагматик, ҳосила маънолар ҳам касб этади ва тингловчига муайян таъсир ўтказади.

Плеоназм ҳодисаси тилнинг барча сатҳларида, шу жумладан, ёрдамчи сўзларда ҳам учрайди ва бу сўзловчи мақсадини рўёбга чиқаришга хизмат қилади. Натижада нутқ жараёнида турли-туман прагматик, ҳосила маънолар юзага келади. Нутқимизда ёрдамчи сўзлар плеоназмида ўзига хослик ёнма-ён қўлланилган икки ёрдамчи сўздан бири ўз бирламчи вазифасида, иккинчиси эса ўша ёрдамчининг бирламчи вазифасига ёндош бўлган иккиламчи вазифаси билан келиб, унинг бирламчи вазифасини кучайтиришига хизмат қилишидан иборат эканлиги тавсифланади. *Мен баҳо бермоқчи эмасман, ука. Аммо-лекин ҳаётни ортиқча расмийлаштириб юборяпмиз* (А.Мухтор). Бу матнда зидлов ↔ таъкид муносабати (*аммо* ёрдамчисининг бирламчи вазифаси) *лекин* ёрдамчисининг иккиламчи вазифаси билан кучайтирилмоқда. Ишда кўмакчи, боғловчи ва юкламаларнинг плеонастик қўлланилиши кенг таҳлил қилинган.

Пресуппозиция масаласида ишда икки хил – мантиқий (контекстуал, нолисоний, адгерент) ва лисоний (ингерент, лексик-семантик) пресуппозицияни фарқлаш (Н.Маҳмудов, А.Нурмонов, Д.Лутфуллаева, М.Ҳакимов в.б.) йўлидан борилган. Ингерент пресуппозицияда пресуппозитив маънога ишора ёрдамчи сўзнинг субстанциал моҳияти таркибига кириши алоҳида уқтирилган ва илова этилган умумлаштирувчи жадвалда махсус белги билан ифодаланган. Ингерент пресуппозитив маънога ишора хослиги ва унинг кучига кўра ёрдамчи сўзлар ўзига хос даражаланиш сирасини тузиши алоҳида таъкидланиб, алоҳида ички бандчаларда ҳар бир ёрдамчи сўз туркумида бу маъновий ишоранинг воқеланиш хусусиятлари тавсифланган. Гарчи ёрдамчи сўзлар пресуппозициясига бағишлаб қатор тадқиқотлар амалга оширилган бўлишига қарамай, бу долзарб масала тадқиқи яқунланди, деб ҳукм чиқариб бўлмайди. Тилимизда ёрдамчи сўзлар гуруҳига қўшилаётган ҳосилаларнинг *ҳар бирида* ўзига хос, уни бошқа ёрдамчи воситалардан ажратиб турадиган ўзига хос яширин маънолари мавжуд бўлади.

Ишда кейинги вақтларда жаҳон тилшунослигида дискурсив маркерлар деб ажратиладиган<sup>13</sup> ва, асосан, матнни жонлантириш, унга дискурсга хос фаолиятлилиқ, ҳаракатчанлиқ нишонларини, адресант ва адресат руҳий ҳолати, баён этилаётган ахборотга шахсий муносабатини таъсирчан равишда киритиш ва ифодалашга, шунингдек, матн бутунлигини таъминлашга хизмат қиладиган этимологик жиҳатдан кўпинча модал, ундовлардан, сифат, олмош, феъл, равишларнинг ҳар хил шаклларида, сўз бирикмаларию гапларга бориб тақаладиган бирликлар<sup>14</sup>нинг юкламага томон силжиши, яъни *вазифадош юклама* термини остида бирлаштирилган воситаларнинг дискурсив вазифаси таҳлил қилинган. Чунончи, вазифадош юкламаларнинг, энг аввало, модаллардан асосий фарқи шундаки, модал сўзлар – субстанциал таҳлил тамойилларига (жумладан, М.Абузалова, Ш.Акрамов, Р.Бобокалонов, Н.Маҳмудов, Б.Менглиев, Ҳ.Неъматов, А.Нурмонов, Р.Сайфуллаева, Ҳ.Шокирова, М.Қурбонова в.б. фикрига) кўра – гапда гап кенгайтирувчиси мавқеида келиб, бевосита гапнинг кесимига боғланади (тобеланади), функционал юкламалар эса гап кесимига боғланмайди – улар оддий юкламалардек, гапнинг *бирор* бўлагига ёки бутун бошли гап (матн)га алоқадор бўлади. Уларнинг оддий юкламалардан фарқи эса бу гуруҳ бирликларининг ҳали алоҳида лисоний структур бирлик даражасига кўтарилмаганлигида, ўзлари келиб чиқадиган сўз туркумлари (сўзшакллар), синтактик қурилмалар билан алоқаларини узмаганлигидадир. Лекин матнда дискурсив юкламалар грамматикализация (жумладан, лексикализация, ёрдамчилашув) жараёни учун хос бўлган *формал бирлашиш* → *фонетик редуқция* → *таркибидаги лексик бирликлар десемантизацияси ва декатегоризацияси* → *мазмуннинг «пропозиционал» турдан «матнли» турга умумлашиши* каби тараққиёт босқичларини бошдан кечириб, ўз лексик ва грамматик маъноларини йўқотиб, яхлитланади ва прагматик маъно-моҳият кашф этади: “*иккинчи нафас*” *қурғур ҳар куниям очилавермас экан...*(Ў.Ҳошимов); *Ўша фирибгар, номи ўчсин, яна бир кўринсин...*(Н.Амин). Бу матнда *номи ўчсин* грамматик жиҳатдан гап қурилишига, *қурғур* эса буйруқ майли шаклига эга. Лекин шу матнда *номи ўчсин* гап ҳам эмас, таркибий исмлари бўлган *ном*, *ўч* - лексемаларининг ҳам, бош келишиқ ва эга мавқеи, эгалиқ, буйруқ майли 3-шахс бирлик сон каби грамматик шакллари маъно вазифаларини ҳам воқелантирмайди, балки биргалиқда матнни жонлантириш, адресант салбий муносабатини фаол, ҳаракатли ифодалашга хизмат қилади. Матндан ташқарида *номи ўчсин* қурилмаси гап мавқеида бўлиб, таркибий қисмлари бўлиниб, тил соҳиблари хотирасида ҳар бир қисм ўз парадигмасида яшаса-да, унда яхлитланиш

<sup>13</sup> Қаранг: Traugott E.C. Constructions in grammaticalization // The handbook of historical linguistics / ed. By V.D.Jozeph, R.D.Janda. Oxford: Blackwell, 2003. p.643; Баранов А., Плугян В., Рахилина Е. Путеводитель по дискурсивным словам русского языка. - М.,1993; Дискурсивные слова русского языка: опыт контекстно-семантического описания / Ред. К.Киселёва, Д.Пайар. – М., 1998.

<sup>14</sup> Бундай бирликлар анъанада *киритма* деб синтактик жиҳатдан баҳоланади. Маълумки, киритма *функционал* (синтактик, грамматик) тушунча, лексик–семантик гуруҳлаш (туркумлаш) эса соф синтактик эмас, балки лексик–грамматик амалиёт бўлиб, унинг пировард оқибатида лисоний бирликлар – лексик–грамматик хусусиятларига кўра туркумларга ажратилади.



(идеоматизация) куртакларини сезмаслик мумкин эмас ва буни таржима-синов ишларимиз ҳам тасдиқлайди – тилимизда матнни (нутқни) жонлантириш, ҳаракатлантириш билан бирга шахсий муносабатни ҳам ифодалашга хизмат қиладиган бирликлар гуруҳи шаклланмоқда. Шунинг учун уларни вазифадош юкламалар деб аташ лозим кўрилди. Бу бирликлар нутқни жонлантириш, унга дискурс руҳини акс эттириш мақсадларида энди шаклланаётган лексик-семантик гуруҳдир.

Ёрдамчи сўзларнинг прагматик таҳлили бўйича энг долзарб муаммолар қуйидагича умумлаштирилган:

1. Миллий истиқлол шарофати билан мустақил тараққиёт йўлига ўтиб, жаҳон тилшунослиги билан ҳамқадам бораётган ўзбек тилшунослигида ҳам, Ғарб тилшунослигида ҳам бўлганидек, формал ва структурал йўналишларда оппозитивликлар сираси воситасида яширин лисоний имкониятлар хазинаси очилиб, етарли даражада тавсифини топгандан кейин бу имкониятлардан нутқда (нутқий фаолиятда, лисоний воситалар билан тингловчига таъсир кўрсатиш жараёнида, яъни дискурсда) самарали фойдаланиш муаммоси кун тартибига кўйилди. Бу эса, ўз навбатида, дискурс самарадорлигини таъминлаш учун унда лисоний воситалар билан биргаликда ўнлаб нолисоний (культурологик, экстралингвистик) воситалар ҳамкорлиги зарур бўлишини кўрсатди ва фанимизда янги йўналиш – прагмалингвистика шаклланди. Бу йўналишнинг шаклланишида ўзбек услубшунослари билан бир қаторда Н.Маҳмудов, А.Нурмонов, Ш.Сафаров, Д.Лутфуллаева, С.Мўминов, М.Ҳақимов, Д.Худойберганова, С.Боймирзаева каби олимларимизнинг ҳиссаси сезиларли бўлди. Ўзбек фанида прагмалингвистик йўналишнинг шаклланиши натижасида ёрдамчи сўз туркумларининг ҳам нутқий мулоқот жараёнида (дискурсда) воқеланиш хусусиятларини ўрганиш масаласи кун тартибига кўйилди.

2. Ўзбек мулоқот нутқида ёрдамчи сўзларнинг плеонастик қўлланишини кузатиш шуни кўрсатадики, тилимизда, бир томондан, кўмакчиларнинг, иккинчи томондан, боғловчи ва юкламаларнинг плеонастик қўлланишини фарқлаш зарур. Кўмакчилар келишик кўшимчалари билан биргаликда плеонастик қўлланилганда (*уйга томон кет-уйга кет; укасига деб ол/укасига ол-...*) келишик шакли маъносини муайянлаштиради, хусусийлаштиради ёки унга ўзига хос пресуппозитив кўшимча маъно бағишлайди. Боғловчи ва юкламаларнинг плеонастик қўлланилишида эса ёнма-ён келган воситалардан бири, албатта, шу туркум учун ёндош (иккиламчи) вазифага (*боғловчи → юклама; юклама → боғловчи*) кўчади, натижада пресуппозитив маънога ишора, таъкид кучаяди.

3. Ўзбек тили ёрдамчи сўзларига пресуппозицияга ишора ҳам хос бўлиб, унда ёрдамчи сўзнинг луғавий маъноси таркибидан ўрин олган ингерент (лисоний) пресуппозитив маънога ишорани ва нутқий шароит билан белгиланадиган адгерент (контекстуал, мантиқий) пресуппозитив ишорани фарқлаш зарур. Ингерент пресуппозиция, айниқса, юкламаларда кучлидир ва бу масала ўзбек тилшунослигида етарли даражада тадқиқ қилинган. Юкламалар туркумининг ичида пресуппозицион ишора, айниқса,

сўзловчининг субъектив муносабатини акс эттириш билан бирга, асосан, ёзма ва оғзаки нутқини жонлантириш, унга фаолият тусини бериш, тингловчини дискурс жараёнига фаол иштирокка ундаш, баён қилинаётган фикрга ўз муносабатини билдиришга қўзғаш каби адресатни фаоллаштириш мақсадларида қўлланиладиган вазифадош юкламаларда кучлидир. Бу масала ўзбек тилшунослиги фанида ҳали етарли даражада ўрганилмаган ва ўз муфассал тавсифини кутмоқда.

4. Вазифадош юкламалар субъектив баҳо ва муносабат маъноларини ифодалашига кўра модал сўзлар билан семантик-функционал умумийликка эга бўлса-да, уларни модал сўзлардан фарқлаш зарур. Зероки:

– *биринчидан*, модал сўзлар гап маркази (гапнинг минимал қурилиш қолипи) таркибидаги  $\{WP_m\}$ нинг  $\{P_m\}$  қисмига хос майл/модаллик маъновий қисмининг (модаллик актантининг) нутқий муайянлаштирувчиси, демак, гап кенгайтирувчиси синтактик мавқеида келса, вазифадош юкламалар гап таркибида мустақил синтактик позицияга эга бўлмай, ундаги бирор бўлакка тиркалиб келади ва ўзи қўшилиб келган бўлак орқали гап маркази – кесими билан боғланади ёки бутун матн ва дискурс жараёнига алоқадор бўлиб, бевосита кесимга боғланмайди;

– *иккинчидан*, бирламчи (категориал, бош, асосий) ва иккиламчи (ёндош) вазифалар модал сўзлар ва вазифадош юкламаларда тескари йўналишлардадир. Вазифадош юкламаларда асосий, бирламчи вазифа нутқини жонлантириш ва тингловчини фаолликка даъват этиш бўлса, субъектив баҳо ва муносабатни ифодалаш уларда иккиламчи, ёндош вазифадир. Модалларда эса бунинг аксини кўрамыз.

Мана шу икки хусусият тилшунослигимизда туркумий (лексик-грамматик) мансублик жиҳатидан маълум асосларга таяниб функционал модал сўзлар ёки лингвистик асосда *киритма* сифатида нотўғри баҳоланадиган бундай бирликларни юкламаларнинг алоҳида тури – *вазифадош юкламалар* сифатида ажратишга асос бўлади.

5. Тилимизнинг ижтимоий қўлланилиш ва коммуникатив вазифаларининг кескин кенгайиб бораётганлиги муносабати билан вазифадош юкламалар миқдори ҳам жуда тез ошиб бормоқда. У нафақат алоҳида сўзшакллари, балки ҳар турли сўз бирикмаларини, гап қурилишли нутқий ҳосилаларни ўз доирасига тортмоқда. Бундай ҳосилаларнинг жуда катта қисми грамматикализациянинг илк босқичларида туради, улар яхлитланмаган, соф нутқий-ситуатив – *дискурсив* моҳиятга эга. Шунинг учун вазифадош юкламаларнинг ўзи ҳам таркибига *юкламасимон* → *юкламалашаётган* → *юкламалашган* → *юклама* каби тарихий тараққиётнинг (грамматизация ва яхлитланишнинг) турли босқичларида турган нутқий ҳосилаларни олади. Ўзбек мулоқот нутқининг хилма-хил кўринишларида вазифадош юкламаларнинг турлари ва қўлланилиши тавсифи ва шу асосда нутқий мулоқот самарадорлигини ошириш бўйича илмий-дидактик тавсиялар ишлаб чиқиш фанимиз олдида турган долзарб вазифалардан бири ҳисобланиши лозим.

Диссертациянинг «**Ёрдамчи сўзларда маъно муштараклиги ва семантик-стилистик дифференциация**» деб номланган тўртинчи бобида ёрдамчи сўзларнинг айти бир вазифада бир-бирини алмаштира олиши ва бунинг информатив қийматининг (маълум бир мазмун ва услубий бўёқдорлик, жумладан, ҳар хил муносабат ифодалаш қобилияти) ўзбек бадий матнида бевосита юзага чиқиши тавсифланган.

Бобда ёрдамчи сўзлар стилистиканинг объекти сифатида қаралиб, улардаги маъновий-вазифавий чегараланиш, семантик-стилистик фарқланиш ҳақида мулоҳаза юритилган. Тилимизнинг барча сатҳ бирликлари каби ёрдамчи сўзлар, улардаги кўпмаънолилик ва шаклдошлик, маънодошлик ва вариантдошлик, ўзаро функционал алмашилиш ҳам ўзига хос стилистик ва прагматик вазифага эга. Ёрдамчи сўзларнинг қўлланилишидаги маънодошлик ҳамда бунинг сабаб ва оқибатлари махсус тадқиқ мавзуси бўлган эмас, бу масала ўз таҳлилу тавсифини кутмоқда. Зеро, ёрдамчи сўзларнинг субстанциал табиати ва прагматик қиймати айти мана шунда – бир-бирини алмаштира олиш ва унинг сабаб ва оқибатларида ёрқин намоён бўлади.

Ишнинг кўмакчиларга бағишланган банди, бу масала муаллифнинг махсус ишида анча муфассал тавсифланганлиги боис<sup>15</sup>, қисқа ва ихчам берилган. Боғловчи ва юкламаларга бағишланган бандлари муфассалроқ бўлиб, боғловчилар ўн, юкламалар эса саккиз ички бандларга ажратилиб, уларда маънодош ва муштарак бирликларнинг услубий хосланиши тавсифланган.

Ёрдамчи сўзларнинг маъновий-услубий фарқланиши масаласида энг долзарб муаммолар қуйидагича умумлаштирилган:

1. Ёрдамчи сўзларнинг прагматик ва стилистик хусусиятларини ҳозирги ўзбек нутқий мулоқотининг, асосан, матний кўринишида воқеланишини ўрганиш ишнинг 2- ва 3-бобларида ўзбек тилида ёрдамчи сўз туркумларига мансуб бирликларнинг субстанциал моҳияти ва прагматик имкониятлари ҳақида чиқарилган назарий хулосаларнинг асосли ва тўғри эканлигини тасдиқлайди. Жумладан:

Кўмакчи, боғловчи ва юклама туркумларига оид соф ва функционал бирликларнинг субстанциал моҳияти серқирра ва ички зиддиятли бўлиб, бу ҳар бир бирликнинг ўзига монанд ва зид бирликлар билан ранг-баранг парадигматик муносабатларида – маънодошлик асосида кўшимча дистрибутив муносабатга киришиб бир-бирини алмаштира олиши ва ўзига хос фарқланишга ҳам эга бўлишида намоён бўлади. Бу жараёнда ёрдамчи сўз туркумларига мансуб ҳар бир бирликда қуйидаги муносабат белгилари жамулжам бўлади:

а) Маъновий (семантик) хусусият – ҳар бир бирликнинг ўзига хос маълум бир ахборот ифодаланиши асосида бошқа бирликлар билан оппозитивликларига киришиш ва шу асосда маъновий оппозициялар

---

<sup>15</sup> Пардаев А.Б. Ҳозирги ўзбек тилида кўмакчиларнинг функционал-стилистик хусусиятлари: Филол. фан. ном. ...дис. – Самарқанд, 2005. – 156 б.; Пардаев А.Б. Ўзбек тилида кўмакчилар стилистикаси – Самарқанд, СамДЧТИ нашри, 2008. – 157 б.

сирасини тузиш (чунончи, *билан* воситаси, асосан, биргалик, воситалик маъноси билан бошқа кўмакчиларга, масалан, аталганлик, мақсад маъноли учун воситасига зидланиши) ёки юкламаларнинг кўшимча умумлашган (таъкид, сўроқ, таажжуб, кутилганлик, кутилмаганлик, табиийлик ва ғайриоддийлик в.х.) маъноларни ифодалаш бўйича ўзаро зидланиши.

Деярли барча ёрдамчи сўзлар кўпмаъноли бўлганлиги сабабли ҳар бир бирлик *ҳар бир* семемаси (граммемаси, маъно қирраси) асосида бошқа-бошқа бирликлар билан маъновий муносабатларга киришади. Бинобарин, ёрдамчи сўзларнинг маънодошлиги ҳам шу асосда бўлади. Масалан, *билан* кўмакчиси ўрин-жой бўйлаб ҳаракат маъноси (граммемаси) асосида *бўйлаб*, *ёқалаб* функционал кўмакчилари билан маънодош бўлса, восита, ҳаракатни бажариш кууроли маъноси (граммемаси) асосида ўрин келишиги ҳамда *ёрдамид*, *воситасид*, *орқали* функционал кўмакчилари билан шундай алоқага киришади. Шунинг учун маъновий хусусият асосида ёрдамчи сўзларнинг ўзаро оппозитивликлари хилма-хилдир. Бундай зидланиш турларининг миқдори ёрдамчи сўзнинг маъно қирралари (семемалари, граммемалари) миқдорига тенгдир.

б) Синтактик (соф грамматик) хусусият – ҳар бир бирликнинг нутқда маълум бир грамматик вазифани бажаришга ихтисослашиши. Бунда кўмакчилар, асосан, сўзлараро тобе алоқани (тобе сўзни ҳоким сўзга боғлаш, эргаштириш муносабатини) ифодалашга, боғловчилар сўзларни ва гапларни тенг ҳамда тобе алоқа билан боғлашга, юкламалар эса нутқни жонлантириш кабиларга хизмат қилади.

в) Прагматик (дискурсив, стилистик) хусусият – ҳар бир бирликнинг маъновий ва грамматик маъноларига ҳамиша ҳамроҳлик қиладиган ва бирликнинг воқеланишида унинг умумий маъновий ва грамматик маъноларига нутқнинг хусусиятлари, турлари ва шароитлари, сўзловчи ва тингловчининг шахсий руҳий ҳолати, очиқ ва яширин мақсади, муносабати ҳақида кўшимча (хосланганлик, тагмаънолилик, ижобийлик, салбийлик, гумон, ишонч, таъкид, табиийлик, ғайриоддийлик в.х.) маълумотлар беришдир.

2. Муайян нутқий воқеланишларда ҳам семантик, грамматик ва прагматик хусусиятлар яхлитликда воқеланади – бунда ҳеч қачон уларнинг барчаси бир хил даражада бўлмайди, лекин маълум бир хусусиятнинг кучайиши бошқа жиҳатларнинг заифлашиши ҳисобига содир бўлади. Айрим бир хусусиятнинг тўла мўътадиллашиши бирликнинг транспозициясига – бир туркумдан иккинчи туркумга ўтишига олиб келади, унинг йўқолиши эса сўзни бир туркумдан иккинчи туркумга кўчиради. Чунончи, қатор мустақил маъноли сўзларнинг ёрдамчиларга ўтиши, эргаштирувчи боғловчиларнинг юкламаларга кўчишини эслаш кифоя.

3. Ҳар бир сўз туркуми учун умумий бўлган синтактик ва семантик хусусиятлардаги ўхшашлик асосида нутқий мулоқотда ҳосил бўладиган ранг-баранг маънодошликлар натижасида ўзаро алмашинувчи ҳодисалар (бирликлар) орасида **прагматик** маъно асосида ихтисослашишга интилиш жуда кучли. Шакл ва мазмун мутаносиблигининг лисоний тизимда

воқеланиши билан узвий боғлиқ бўлган бундай интилиш тил учун умумий тараққиёт қонунларидан бири бўлиб, унинг таъсири, хусусан, миллий истиқлолдан кейин ўзбек тили давлат тили мақомини олгач, унинг қўлланилиш доирасининг кескин кенгайиши, тилимизда хилма-хил услуб ва мулоқот турларининг шаклланиши ва ривожланишида яққол намоён бўлди. Шунинг учун расмий ва илмий услубнинг оралиғида турган, моҳиятан миллий истиқлолдан кейин шаклланган давлатчилик, қонунчилик соҳалари прагматикасида ёрдамчи сўзларнинг (айникса, кўмакчи ва боғловчиларнинг) ва ёрдамчи сўзли қурилмаларнинг кўплаб ихтисослашишини кўрамиз. Мазкур соҳалар янги ва ўзига мос воситаларини кундан-кунга ошириб бормоқда. Шу асосда маънодошлик муносабатларида турган ёрдамчи сўзлар орасида прагматик қиймат (жумладан, услубий хосланиш) асосида фарқланиш яққол сезилиб турган ва тараққиётга замин бўлаётган ҳодисалардан биридир.

4. Ёрдамчи сўзларнинг прагматик-стилистик қийматининг бадиий ёзма матнда бевосита воқеланишини таҳлил этиш тил тарихи учун беҳад қисқа бўлган миллий истиқлолдан кейинги йиллар ичида янги-янги ёрдамчи сўзларнинг шаклланиши ва ривожланиши ҳамда уларнинг прагматик жиҳатдан ихтисослашиш соҳасида жиддий тараққиёт юз берганлигини кўрсатади. Зеро, қисқа вақт ичида ўнлаб янги ёрдамчи сўзлар шаклланди ва бу жараён фаол давом этмоқда. Жуда кўп ёрдамчи сўзлар ўзига хос прагматик-стилистик маъно касб этмоқда.

## ХУЛОСА

1. Ўзбек тилшунослигида ёрдамчи сўз туркумлари турли даврларда ўша давр илм-фани тараққиёти ҳолатига мос равишда ўз илмий тавсифини топган ҳамда бу ўқув адабиётларда акс эттирилган.

2. Ўзбек тили қўлланилиш доирасининг мустақиллик шароитида жиддий кенгайиб бориши, унинг нафақат бир мамлакат доирасидаги асосий нутқий мулоқот омили, балки расмий ва халқаро алоқалар воситасига айланганлиги ёрдамчи сўзлар тизимида содир бўлаётган ўзгаришларни замонавий таҳлил методларига таянган ҳолда субстанциал ва прагматик тадқиқ этиш зарурати ушбу тадқиқотнинг юзага келишига асос бўлди.

3. Ёрдамчи сўзлар тил эгалари томонидан сўз сифатида қабул қилиниб, асосан, грамматик вазифа бажаришга хослангандир.

4. Ёрдамчи сўзлар тил тизимида моҳиятан лексика ва грамматика муносабатида оралик учинчи мақомида туради.

5. Ёрдамчи сўзлар грамматикализация қонуниятига кўра келиб чиқиши туркий, арабий ва форсий бўлган мустақил сўзлар ҳисобидан муттасил бойиб боради.

6. Ёрдамчи сўзлар лисоний онгда мустақил сўзлар сингари туркум ичида луғавий-маъновий гуруҳларга бирлашиб, ўзаро парадигматик алоқаларда турган ҳолатда яшайди ва ҳар бир янги бирлик ўхшашлик асосида шу парадигмадан ўрин олади ҳамда парадигмадаги бошқа бирликлардан

фарқланади.

7. Ёрдамчи сўзларнинг серкирралиги, кўпвазифалиги, нутқий шароит таъсирида бир-бирига кўчиши ҳисобга олинса, фанда мавҳум бўлган *кўмакчи-боғловчи*, *боғловчи-юклама*, *юклама-боғловчи* сингари атамалар кўлланишига ҳожат қолмайди.

8. Ёрдамчи сўзларнинг парадигматик муносабатлари ва парадигмалари нафақат умумийлик↔хусусийлик (гиперо-гипонимик), балки градуонимик (даражаланиш) асосда тузилади.

9. Грамматикализация асосида ёрдамчи сўзлар парадигмаларига кириб келган ва келаётган бирликлар *ёрдамчисимон*, *ёрдамчилашаётган*, *ёрдамчилашган* ва *тублашган* босқичларда ўзаро фарқланади. Шу тарзда ёрдамчи сўзлар хазинасини бойитаётган бирликлар услубий-прагматик ёки маъновий даражаланишига кўра ўзига хосликка эга бўлади.

10. Ёрдамчи сўзлар субстанциал табиатига кўра серкирра ва зиддиятли бўлиб, ҳар бир бирликдаги бирламчи ва иккиламчи вазифалар, семантик ва синтактик хусусиятлар фарқланади. Синтактик хусусият асосида ёрдамчи сўзлар бир туркумга бирлашса, семантикасига кўра туркум ичидаги парадигмаларга ажралади. Парадигмаларга қўшилаётган янги бирликлар синтактик хусусият асосида парадигмаларга кирса, семантик ва прагматик хосликларига кўра ўзи кирган парадигманинг бошқа бирликларидан фарқланади.

11. Ёрдамчи сўзлар ва уларнинг ички бирлашмалари структурасининг, ҳар бир алоҳида элементининг тизимдаги ўрнини белгилашда субстанциал тилшуносликнинг оралик учинчи ҳамда градуал муносабатлар тушунчалари катта методологик аҳамиятга эга.

12. Ёрдамчи сўзларнинг ҳар бирида иерархия бўлишига қарамасдан улар семантик ва синтактик хусусиятларига кўра яхлитликда бўлади. Синтактик жиҳат ҳар бир туркумни бирлаштиради, семантик томон уларнинг хусусийлигини белгилайди. Шу боис муайян синтактик қурилма ёрдамчи сўзлар таъсирида алоҳида коммуникатив-стилистик қийматга эга бўлади. Бу эса ёрдамчи сўзларнинг стилистик-прагматик ва дискурсив таҳлил муаммосини кун тартибига қўяди.

13. Ёрдамчи сўзларда иккиламчи синтактик вазифанинг мавжудлиги нутқий имкониятларнинг кенгайишига, транспозиция, конверсия орқали ривожланиб, оммалашиб, пировардида бир туркумдан иккинчи туркумга ўтиб кетишга шароит яратади. Бунда махсус вазифали грамматик шаклларнинг ривожланиши (*-са*, *-ганда*, *-ганда эди*, *-ар эди...*); боғловчиларнинг юкламаларга (*агар*, *гарчи*, *башарти*, *гўё*, *гўёки*, *токи*, *тоинки*,...), юкламаларнинг боғловчиларга (*ҳам*, *-у*, *-ю*, *-да*, *-ми*, *-ку*), кўмакчиларнинг боғловчиларга ўтиши (*билан*, *учун*, *сабабли*, *туфайли*, *қадар*, *сайин*, *бери*, *буён*...) каби ҳолатлар ёрдамчи сўзлар таркибининг ўзгариб туришига сабаб бўлади.

14. Таҳлиллар тахминан икки-уч аср давомида мустақил сўз функционал ёрдамчига, функционал ёрдамчи соф ёрдамчига, соф ёрдамчи кўшимчасимонга, боғловчи юкламага, кўмакчи боғловчига ўтиб кетиши

мумкинлигини кўрсатади.

Шунинг учун эски ўзбек тили тараққиёт босқичининг кейинги даврларигача эргаштирувчи боғловчи сифатида таснифланган *гўё, агар, токи* бирликлари боғловчи эмас, балки юклама сифатида баҳоланиши лозим.

15. Миллий истиқлолдан кейин давлатчилик ва халқаро муносабатларнинг жадал ривожланиб бораётгани сабаб тилимизнинг расмий ва илмий услубларида кўплаб функционал ёрдамчиларнинг соҳалар бўйича ихтисослашиб бораётгани ва ўзига хос прагматик-стилистик қийматга эга бўлгани кузатилади.

16. Ёрдамчи сўзлар тизимининг субстанциал ва прагматик-стилистик тадқиқи бу туркум хазинасининг мустақил сўзлар ҳисобидан муттасил бойиб боришини, уларнинг олдинги вазифалари ўзгариб, янги вазифаларга ихтисослашуви ва бу жараённинг узлуксизлигини кўрсатади. Бу ўз навбатида, ёрдамчи сўзларнинг этнолингвистика, психоллингвистика, лингвокультурология, прагматик-лингвистика каби янги соҳаларининг тадқиқот объекти бўлишини тақозо этади.

17. Тил тараққиётининг кейинги *мустақил сўз* → *грамматикализация даражаси* → *ёрдамчи сўз* босқичида:

-ўзбек бадиий прозаси ривожини билан боғлиқ тарзда тилимизда қўшма гаплар ва мураккаб синтактик бутунликларни қўллашнинг фаоллашгани бошқа тиллардан ҳам боғловчиларнинг тилимизга кириб келишига сабаб бўлаётгани;

-морфологик воситаларнинг боғловчилик вазифаси тобора ривожланиб бораётганлиги сабабли ўзлаштирилган боғловчиларнинг каттагина қисми тилимизда юкламалар туркумига ўтиб бораётгани;

-юкламаларда нутқни жонлантириш, ёзма матнга табиий ҳаракатли дискурс унсурларини бериш каби янги имкониятлар шаклланаётгани;

-матнга жонли нутқий мулоқот (дискурс) руҳини берадиган, уни жонли ва табиий қилишга хизмат қиладиган вазифадош юкламалар хазинаси муттасил бойиб бораётгани кузатилмоқда.

18. Мустақил сўз шаклларида, сўз бирикмаларида, гап шаклидаги қурилмалардан иборат бўлган вазифадош юкламалар маълум бир матнда ва нутқий шароитда синтактик-структур бўлинувчанлигини йўқотиб, жумла таркибида янги семантик-функционал-прагматик бутунлик кашф этади.

Лекин вазифадош юкламалар ҳали мустақил лисоний бирлик сифатида шаклланмаганлигидан, улар айрим сўзшакллар, сўз бирикмалари, гапсимон қурилмаларнинг ўзига хос янги бир синтактик-прагматик ва матнни жонлантирувчи дискурсив кўриниш сифатида қабул қилиниши лозим.

19. Ёрдамчи сўзлар тизимида кечаётган лингвистик жараёнлар она тилимиз учун азалдан хос бўлган тараққиёт қонунларининг ва ҳозирги тил манзарасининг янги давр ва жамият тил олдига қўйган вазифаларга уйғун равишда кечаётган узлуксиз тараққиёти натижасидир. Бинобарин, жамият тил олдига қанчалик муҳим вазифа қўйса, тил ҳам ўз имкониятларини ишга солади ва шунчалик жадал ривожланади.

Тилимиз олдига истиқлол қўйган улкан вазифаларнинг муваффақиятли

адо этилаётгани, жумладан, биргина ёрдамчи сўзлар бажараётган прагматик-стилистик вазифалар бунинг ёрқин далилидир.

20. Диссертация натижаларидан келиб чиқиб, қуйидаги таклиф ва тавсияларни илгари суриш мумкин: ўзбек тили тизимида ёрдамчи сўзлар муҳим ўрин тутиши боис улар кенг қамровда функционал-семантик, лингвостилистик, лингвостатистик, лингвокультурологик, этнолингвистик, психоллингвистик ва антропоцентрик таҳлиллар асосида алоҳида-алоҳида тадқиқ этилиши лозим. Буларнинг барчаси тилимиз маданиятини, унинг жамият ва инсон руҳий олами узвийлигини кўрсатишга хизмат қилади. Бунда ёрдамчи сўзларнинг лисоний тадқиқи бўйича қуйидаги илмий-назарий ва амалий муаммоларни монографик аспектда таҳлил этишни тавсия этамиз: «Ёрдамчи сўзларнинг этнолингвистик хусусиятлари», «Ўзбек тилида боғловчиларнинг функционал-стилистик хусусиятлари», «Ўзбек тилида юкламалар стилистикаси», «Юкламаларнинг дискурсив функцияси», «Ёрдамчи сўзлар – лингвокультурологик бирлик сифатида», «Ўзбек тили ёрдамчи сўзларининг психоллингвистик имкониятлари», «Ўзбек тили ёрдамчи сўзларининг лингвостатистик таҳлили», «Ўзбек тили ёрдамчи сўзларининг изоҳли луғати», «Ёрдамчи сўзларнинг ўқув луғати» ва бошқалар.



**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.Fil.19.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
СТЕПЕНИ ДОКТОРА НАУК ПРИ ТАШКЕНТСКОМ  
ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ УЗБЕКСКОГО ЯЗЫКА И  
ЛИТЕРАТУРЫ ИМЕНИ АЛИШЕРА НАВОИ**

---

**САМАРКАНДСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ**

**ПАРДАЕВ АЗАМАТ БАХРОНОВИЧ**

**МЕСТО СЛУЖЕБНЫХ ЧАСТЕЙ РЕЧИ УЗБЕКСКОГО ЯЗЫКА В  
ЛИНГВИСТИЧЕСКОЙ СИСТЕМЕ И ИХ ЛИНГВОПРАГМАТИКА**

**10.00.01 – Узбекский язык**

**АВТОРЕФЕРАТ ДОКТОРСКОЙ (DSc) ДИССЕРТАЦИИ  
ПО ФИЛОЛОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Ташкент – 2017**

**Тема диссертации доктора наук (DSc) по филологическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № B2017.1.DSc/Fil7**

Докторская диссертация выполнена в Самаркандском государственном университете.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекских, русский, английский (резюме)) размещён на веб-странице по адресу <http://ik-filol.nuu.uz> и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу [www.ziyo.net](http://www.ziyo.net)

<b>Научный консультант:</b>	<b>Каримов Суюн Амирович,</b> доктор филологических наук, профессор
<b>Официальные оппоненты:</b>	<b>Собиров Абдулхай Шукурович,</b> доктор филологических наук, профессор <b>Маматов Абдимурод Эшанкулович,</b> доктор филологических наук, профессор <b>Набиева Дилора Абдухамидовна,</b> доктор филологических наук
<b>Ведущая организация:</b>	<b>Ферганский государственный университет</b>

